

Тошкент ирригация ва мелиорация институти

Ердан фойдаланиш ва ер кадастри факультети

5620700 - “Ер тузиш ва ер кадастри” бакалавр таълим йўналиши

Ер тузиш ва ер муносабатлари кафедраси

“Ҳимояга қўйилсин” _____
кафедра мудири **М.Ж.Туляганов**
“__” _____ 2013 йил

**Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги
“Қорадарё” массивида фермер хўжаликлари ер
майдонлари ўлчамларини оптималлаштириш
лойиҳаси” мавзусида**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БМИни бажарувчи

Раҳбар

Маслахатчи

И.И. Садиев

А.М.Муқумов

доц. А. Мамажанов

Тошкент – 2013

МУНДАРИЖА

№	Битирув малакавий иши бўлимлари номи	Бетлар
1	Битирув малакавий ишини бажариш учун топшириқ	3
2	Битирув малакавий иши дастури	5
3	Кириш	7
4	1-БОБ. Массивнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари тавсифи	11
5	2-БОБ. Массивда фермер хўжаликлари ер участкалари ўлчамларини оптималлаштириш лойиҳаси	25
6	3-БОБ. Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш	62
7	Хулоса	66
8	Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати	68
9	Иловалар	70

Тошкент Ирригация ва мелиорация институти
Ердан фойдаланиш ва ер кадастри факультети
5620700 - “Ер тузиш ва ер кадастри” бакалавр таълим йўналиши
Ер тузиш ва ер муносабатлари кафедраси

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
кафедра мудири
_____ М.Ж.Туляганов
“___” _____ 2013 йил

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба Садиев Иброхим Исматович

1. Битирув ишининг мавзуси : “Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги “Қорадарё” массивида фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини оптималлаштириш лойиҳаси”

“25” декабр 2012 йил №4 -сонли кафедра мажлисида маъқулланган.

2. Битирув ишини топшириш муддати “18” май 2013 йил.
3. Битирув ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар.
Ишлаб чиқариш амалиёти даврида йиғилган маълумотлар ва материаллар.
4. Ҳисоблаш тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати).

1 Кириш. 2. 1- боб. Массивнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари тавсифи. 3. 2- боб. Массив ҳудудидаги фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини оптималлаштириш лойиҳасини ишлаш. 4. 3- боб. Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш. 5. Хўлоса. 6. Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати. 7. Иловалар.

5. Чизма ишлари рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади).
- 1.Массивнинг ер турлари ва қишлоқ хўжалик экинлари туширилган тарҳи 2. Тўпроқ ҳаритаси.
3. Массив ҳудудидаги фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини оптималлаштириш лойиҳаси.
- 4 Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари жадвали.

6. Битирув иши бўйича маслаҳатчилар.

Т.р	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи	Имзо.	Сана.
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1	2	3	4	5
1	<i>Хаёт фаолияти хавфсизлиги</i>	<i>А.Мамажонов</i>		

7.Битирув ишини бажариш режаси.

Т.р	Битирув иши босқичларининг номи	Бажариш муддати			Текширувда н ўтганлик муддати
		сана	куни	%	
1	<i>Топшириқ олиш ва БМИ дастурини тузиш</i>	21-26. 01.13	6	6	
2	<i>Массивнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари тавсифини ёзиш</i>	28.01-15.02.13	16	22	
3	<i>Массивнинг ер турлари ва қишлоқ хўжалик экинлари туширилган тарҳини ва тупроқ ҳаритасини чизиш</i>	16-28.02.13	11	33	
4	<i>Массив ҳудудидаги фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини оптималлаштириш лойиҳасини ишлаш</i>	01.03-30.03.13	26	58	
5	<i>Лойиҳавий чизмани чизиш</i>	01-13.04.13	12	70	
6	<i>Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш.</i>	15-27.04.13	12	82	
7	<i>Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари жадвалини тузиш.</i>	29.04- 04.05.13	6	88	
8	<i>Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхатини тузиш</i>	06-11.05.13	6	94	
9	<i>БМИни расмийлаштириш ва кафедрага топшириш</i>	13-18.05.2013	6	100	

Битирув иши раҳбари

А.Мукумов

Топшириқни бажаришга олдим

И. Садиев

Топшириқ берилган вақти.

21.01. 2013 й.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти
Ердан фойдаланиш ва ер кадастри факультети
5620700 - “Ер тузиш ва ер кадастри” бакалавр таълим йўналиши
Ер тузиш ва ер муносабатлари кафедраси

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Кафедра мудири

М.Ж.Туляганов

“ ” 2013 йил

**“Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги
“Қорадарё” массивида фермер хўжаликлари ер
майдонлари ўлчамларини оптималлаштириш
лойиҳаси”
мавзусида**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ ДАСТУРИ

БМИни бажарувчи

И.И. Садиев

Раҳбар

А.М.Муқумов

Тошкент – 2013

Кириш

1. Жаҳон молиявий иқтисодий инқироzi шароитида Республикамизда фермер хўжаликларини юритишшининг ўзига хос хусусиятлари.

2. Фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкалари ўлчамларини оптималлаштиришда ер тузишнинг роли

3. Битирув малакавий ишининг мақсади, унда қўйилган вазифалар ва асос қилиб олинган материаллар

1- боб. Массивнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари тавсифи

1.1.Массив тўғрисида умумий маълумотлар.

1.2.Табиий шароитлари (иқлими, рельефи, тупроқлари).

1.3.Ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи.

1.4.Аҳоли яшаш жойлари тавсифи.

1.5.Массив ҳудудида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ердан фойдаланиш тавсифи.

1.6.Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

2- боб. Массив ҳудудидаги фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини мақбуллаштириш лойиҳасини ишлаш

2.1. Мавжуд фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш йўналишлари, сони ва майдони тавсифи.

2.2. Оптималлаштирилган фермер хўжаликлари ер участкаларини массив ҳудудида жойлаштириш.

2.3. Фермер хўжаликларига ер ажратиш ҳужжатларини расмийлаштириш (битта фермер хўжалиги мисолида)

2.4. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари.

3- боб. Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш

3.1. Оптималлаштирилган фермер хўжаликларида етиштириладиган маҳсулотлар миқдори ва қийматини аниқлаш.

3.2. Фермер хўжаликлари ер майдонини оптималлаштириш билан боғлиқ капитал ва йиллик харажатлар миқдорини аниқлаш.

3.3. Лойиҳанинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш.

3.4. Лойиҳавий тадбирларни экологик асослаш.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Иловалар

КИРИШ

Республикамиз мустақилликни кўлга киритганидан бошлаб Юртбошимиз ташаббуси билан узоқни кўзлаб амалга ошириб келинаётган ислохотлар замирида аввало инсон манфаати ётади. Ўтган давр мобайнида давлат бош ислохотчи тамойилига амал қилинган ҳолда жорий этилаётган ислохот ислохот учун эмас, инсон учун деган мантиқ асосида соҳада тубдан ўзгаришлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрда қабул қилган “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ–4478-сонли Фармонида кайд этилганидек мустақиллик йиллари мобайнида қишлоқ хўжалиги соҳасида бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантиришга йўналтирилган иқтисодий ислохотлар бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Фермерликни ривожлантириш, фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллиги учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар ва кафолатларни яратиб берувчи Ер кодекси, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун ҳамда бошқа қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар жараёнида давлат томонидан ишлаб чиқарувчиларга ҳар томонлама қўмак ва имтиёзлар бериб келинмоқда. Жумладан, бугун аграр соҳада етакчи кучга айланган фермер хўжаликларини молиялаштириш ва кредитлаш, моддий ресурслар етказиб берувчи ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналар билан ўзаро ҳисоб-китоб тизимини янада такомиллаштириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди, уларнинг ўзаро ҳуқуқий, иқтисодий муносабатлари тизими такомиллаштирилди.

Бугунги кунда фермер хўжаликларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қуйидаги асосий йўналишларда ишлар олиб борилмоқда:

Биринчи йўналиш, бевосита фермер хўжаликларини давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича асосий харажатларини молиялаштириш билан боғлиқ. Бунда фермер хўжаликларининг маҳсулот етиштириш харажатларини, хусусан, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари, биологик маҳсулотлар, кимёвий воситалар, техника хизматлари, уруғлик, иш ҳақи ва бошқа хажаратларни молиялаштириш назарда тутилади.

Иккинчи йўналиш, қишлоқ хўжалиги корхоналарига солиқ имтиёзлари берилишидир. Маълумки, солиққа тортишда солиқ миқдорини ернинг сифатига (бонитет балли) қараб ҳисоблаш ва бу жараёнга табақалаштирилган равишда ёндашиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Бу хўжаликларга бир хил иқтисодий шароит яратиб беришни таъминлайди. Аввалги солиққа тортиш тизимида бу масалалар ўз ечимини топмаган эди.

Учинчи йўналиш, бонитети балли паст ерларда пахта етиштирадиган фермер хўжаликларининг зарарини қоплаш мақсадида уларга молиявий ёрдам беришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги “Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ балл-бонитети паст ерларда фаолият юритувчи фермер хўжаликларига 180 млрд. сўм ҳажмида молиявий ёрдам ажратилди. Бу маблағлар фермерларнинг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар олдидаги қарзларини қисқартиришда салмоқли манба бўлди. 2013 йилда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда. Фермерлар учун яна бир муҳим бўлган масала деҳқончилик қилаётган ерларнинг унумдорлигини оширишга қаратилган ирригация тизимларини такомиллаштириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилашдир. Деҳқончилик қилинаётган ерларда бу масалалар ечимини топмаса,

ҳосилдорлик ҳам, фермернинг даромади ҳам камаяди, шунга мос равишда унинг қарзлари ҳам ортиб бораверади.

Тўртинчи йўналиш, мамлакатимизда ирригация ва мелиорация тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масаласидир.

Мустақилликка эришилгандан сўнг сув хўжалиги ташкилотлари эксплуатация харажатларига республика бюджетидан маблағ ажратиш тизими тубдан ўзгартирилди ва натижада молиялаштириш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, сув хўжалиги ташкилотлари эксплуатация харажатлари учун ажратилаётган маблағлар ҳажми 2012 йилга келиб 1994 йилга нисбатан салкам минг маротаба ошди.

Битирув малакавий ишининг мақсади Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги “Қорадарё” массивида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини оптималлаштиришдан иборатдир. Ишда қўйилган мақсадга эришиш учун мавжуд фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолияти, бириктириб берилган ердан фойдаланиш аҳволи, уларда ишлов бериш учун мавжуд техникалар миқдори ва таъминоти, туман ҳокимияти билан тузилган шартнома шартларининг бажарилиши (йиллар бўйича) ҳамда фермер хўжалигининг молиявий имкониятлари ўрганиб чиқилади. Бунда қуйидаги вазифалар қўйилади:

- фермер хўжаликларига бириктирилаётган ер майдонини қўйилган мақсад ва вазифаларни бажаришга зарур ҳамма шарт-шароитларни яратиш имкониятини берсин;

- фермер хўжалигига бириктирилган ернинг майдон ўлчами, шакли ва табиий шароити қўйилган мақсадларга мос тушсин;

- ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга ва уларни муҳофаза қилишга шароит яратилсин;

- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун қилинган харажатлардан оқилона фойдаланиш, қимматбаҳо ер турларини максимал сақлаш, ҳудудларнинг ташкил қилинишини бузмаслик таъминлансин.

Битирув малакавий ишига қўйилган вазифаларни бажариш учун асос бўлиб массивда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари тўғрисида қуйидаги материаллар хизмат қилади:

1. массив ҳудудининг табиий ва иқтисодий шароитларини тавсифловчи умумий маълумотлар;
2. массив ҳудудида ер турлари ва қишлоқ хўжалик экинларининг амалда жойлашуви тархи;
3. контурлар бўйича майдон ҳисоблаш қайдномаси;
4. фермер хўжаликларига ер ажратиш билан боғлиқ ҳуқуқий ҳужжатлар;
5. массив ҳудудида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари сони, ишлаб чиқариш йўналишлари, фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдонлари ва уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тавсифловчи статистик маълумотлар.

I-БОБ. МАССИВНИНГ ТАБИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ШАРОИТЛАРИ ТАВСИФИ

1.1. Массив тўғрисида умумий маълумотлар

“Қорадарё” массиви Каттакўрғон туманининг шарқий қисмида жойлашган. Массив шимолдан “Мойбулоқ” массиви ерлари билан, шарқдан “Дўстлик” массиви ерлари билан, жанубдан “Оқтепа” массиви ерлари билан ва ғарбдан “Навандак” массиви ерлари билан чегарадош. Массив чегарасидаги умумий ер майдони 1681.5 гектарни ташкил қилади. Худуднинг шакли буйича ихчамлилик коэффиценти 1,45 га тенг.

Массив ҳудудида фаолият курсатаётган фермер хўжаликларининг асосий ишлаб чиқариш йўналиши деҳқончилик (пахтачилик ва ғаллачилик) бўлсада шу билан бир каторда ёрдамчи тармоқ сифатида боғдорчилик, узумчилик, пиллачилик билан ҳам шуғулланилади. Қишлоқ хўжалик ерлари таркибида ҳайдалма ерлар (68.9 %) энг юқори ҳажмни эгаллайди. Массив ҳудуди 2012 йил маълумотларига кўра 14 та фермер хўжаликларига бириктириб берилган. Массив ҳудуди вилоят маркази Самарқанд шаҳри ва туман маркази Каттакўрғон шаҳри , ҳамда маҳсулот қабул қилиш пунктлари билан асфальт йўллар билан боғланган. Массив маркази Қорадарё қишлоғидан туман маркази Каттакўрғон шаҳригача бўлган масофа 13 километрни, вилоят марказигача 79 километрни ташкил этади.

1.2. Табiiй шароитлари (иқлими, рельефи, тупроқлари)

Иқлими. Иқлим шароитлари бўйича массив жойлашган ҳудуд ярим - чўл зонасига киради. Иқлимнинг алоҳида кўрсаткичлари ёғингарчилик миқдорининг камлиги, ёздаги ҳароратнинг юқори бўлиши, қиш ойларида ҳароратнинг пасайиши, ҳавонинг қуруқлиги ва буғланишнинг юқорилиги билан ажралиб туради.

Январда ўртача ойлик ҳарорат -1.2 градусни ташкил этади. Ҳавонинг энг совуқ ҳарорати -28 градус. Совуқ бўлмаган вақт 245 кундан иборат. Ёз ойларининг тавсифи қуйидагича: июлда ўртача ойлик ҳаво ҳарорати 27

градусга тенг булиб, энг иссиқ ҳарорат 45 градусни ташкил этади. Йил бўйича кучли шамол эсадиган (секундига 15 метрдан ортиқ) кунлар сони 9 кунни ташкил этади. Йиллик ёғингарчилик миқдори 312 мм ни ташкил қилади. Иқлимнинг метеостанция маълумотлари бўйича кўп йиллик ўртача маълумотлари 1-жадвалда келтирилган

Рельефи. Массивнинг рельефи асосан текисликдан иборат бўлиб, шимолий-ғарбдан жанубий-шарқга қараб кучсиз тўлқинсимон қияликдан иборат. Узоқ муддатли суғориш ва агротехника натижасида рельеф ўзининг маданий кўринишини олган. Массив қуйидаги геоморфологик ажратмада жойлашаган: аллювиал-пролювиал ётқизиклардан ташкил топган, тоғ олди ярим чўл зонасидаги текисликдан иборат, рельефи бўйича текислик ва кам нишабли паст-баландликдир. Механик таркиби бўйича ўртача ва енгил қумоқлардан иборат, кам шўрланган.

Ер ости сувлари. Массив ҳудудида каналлар, суғориш тармоқлари ва зовурлар бор. Тупроқ текшириш ишлари олиб борилганда сизот сувларининг чуқурлиги 1.2-2.5 метрни ташкил этган. Йил мобайнида сизот сувларининг чуқурлиги ўзгариб туради. Сизот сувлари юқорига кўтариладиган вақт - бу вегетацион суғориш давридир, яъни баҳор - ёз ойларида. Сизот сувларини асосан суғориш тармоқлари орқали филтрланган сувлар ва юқорида жойлашган тоғ олдиларининг ер ости сувлари тўлдириб туради. Хўжаликда сизот сувларининг сатҳи зовурлар орқали пасайтириб турилади.

Тупроқлари. Массив тупроқлари тоғ олди ярим чўл зонаси Марказий Осиё провинцияси типик бўз тупроқлар пояси аллювиаль-пролювиаль ётқизикли сўғориладиган бўз тупроқлардан иборат. Тупроқларнинг механик таркиби, шўрланганлик даражаси, ер ости сувларининг жойлашув чуқурлиги ва бошқа тавсифи қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

1.3 Ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи.

Сўғориладиган минтақаларда ирригация ва мелиорация шаҳобчалари тўғрисидаги тўла маълумотларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Самарқанд метеостанциясининг иқлим бўйича кўп йиллик ўртача маълумотлари

Кўрсаткичлар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил
Ҳарорат:													
Ўртача	-1.2	1.3	7.1	14.1	19.9	24.4	27	25.2	20.2	13.1	7	2.5	13.4
Юқори	22	27	30	34	38	41	45	41	38	34	30	22	45
Паст	-28	-23	-21	-8	1	4	9	6	-1	-12	-22	-26	-28
Шамолнинг ўртача тезлиги, м/с	1.4	1.4	1.8	1.7	1.5	1.3	1.2	1.3	1.4	1.4	1.3	1.4	1.4
Ёгингарчилик миқдори, мм	41	34	59	55	32	7	3	0	1	15	30	35	312
Шамолнинг кайтирилиши:													
Ш	5	4	4	4	6	8	8	8	8	5	5	3	6
ШШҚ	7	6	7	9	13	16	20	17	14	10	8	7	11
ШҚ	19	21	19	18	19	19	23	22	18	14	19	20	19
ЖШҚ	36	33	31	32	30	33	33	35	37	38	37	35	34
Ж	7	6	6	7	6	7	6	7	7	7	6	7	6
ЖҒ	10	12	12	11	9	5	3	3	3	9	8	12	8
Ғ	10	12	14	11	7	5	2	3	5	7	10	10	8
ШҒ	6	6	7	8	10	7	5	5	8	10	7	6	8

2-жадвал
Тупроқлар экспликацияси

Тупроқ номи	Тупроқ айирмаларининг тартиб раҳами	Ўзлаштириш даври ва маданийлашганлик даражаси	Шўрланиш даражаси	Механик таркиби		Сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги,м	Бонитет балли
				0-30 см	100-200 см		
1	2	3	4	5	6	7	8
Аллювиал-прелювиал ётқизиклардан ташкил топган Қорадарё дарёсининг III-соҳил усти трассаси. Суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар	1	Эскидан суғориладиган, ўртача маданийлашган	шўрланмган	Ўрта кумоқли	Ўрта кумоқли	2.0-2.5	77
	2	Эскидан суғориладиган, кам маданийлашган	шўрланмган	Ўрта кумоқли	Оғир кумоқли	1.5-2.0	60
	3	Эскидан суғориладиган, кам маданийлашган	шўрланмган	Ўрта кумоқли	Енгил кумоқли	1.5-2.0	60
	4	Эскидан суғориладиган, кам маданийлашган	Кам шўрланган	Ўрта кумоқли	Енгил кумоқли	1.2-1.8	57
Суғориладиган бўз ўтлоқи тупроқлар, суғориладиган	5	Эскидан суғориладиган, кам маданийлашган	Кам шўрланган	Ўрта кумоқли	Ўрта кумоқли	2.0-2.5	54

бўз ўтлоқи тупроқлар	2-жадвалнинг давоми						
	6	Эскидан суғориладиган, кам маданийлашган	Ўртача шурланган	Ўрта кумоқли	Ўрта кумоқли	1.5-2.0	51
Суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлар	7	Эскидан суғориладиган, кам маданийлашган	Пастки қисми кам шурланган	Ўрта кумоқли	Оғир кумоқли	1.5-2.0	72
	8	Эскидан суғориладиган, кам маданийлашган	шўрланмган	Ўрта кумоқли	Оғир кумоқли	1.2-1.8	68
	9	Эскидан суғориладиган, кам маданийлашган	Кам шўрланган	Ўрта кумоқли	Ўрта кумоқли	2.0-2.5	72
	10	Янгидан суғориладиган кам маданийлашган	Кам шўрланган	Ўрта кумоқли	Оғир ва ўрта кумоқли	1.5-2.0	45
Аллювиал ётқизиқлардан ташқил топган Қорадарё дарёсининг II-соҳил усти трассаси. Суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлар	11	Эскидан суғориладиган ўртача маданийлашган	шўрланмаган	Оғир кумоқли	Ўрта кумоқли	1.5-2.0	68
	12	Эскидан суғориладиган ўртача маданийлашган	Кам шўрланган	Оғир кумоқли	Ўрта кумоқли	1.2-1.8	65
	13	Янгидан суғориладиган ўртача маданийлашган	Кам шўрланган	Ўрта кумоқли	Ўрта кумоқли	2.0-2.5	63

	2-жадвалнинг давоми						
	14	Янгидан суғориладиган кам маданийлашган	Ўртача шурланган	Ўрта қумоқли	Оғир қумоқли	1.5-2.0	43
Аллювиал ётқизиклардан ташкил топган Қорадарё дарёсининг I-соҳил усти трассаси.	15	Янгидан суғориладиган кам маданийлашган	Ўртача шурланган	Оғир қумоқли	Енгил қумоқли	1.5-2.0	36
	16	Янгидан суғориладиган кам маданийлашган	Ўртача шурланган	Енгил қумоқли	Қумли	1.2-1.8	38
	17	Бўз ва қуруқ ерлар				2.0-2.5	
	18	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайди- ган ерлар (жарликлар мозорлар ва ҳ.к)				1.5-2.0	

Массив бўйича ўртача ҳисобланган балл **61 балл**

“Қорадарё” массивининг далалари суғориш тармоқлари билан яхши таъминланган. Асосий суғориш тармоғи Қорадарё дарёси ҳисобланади. Суғориш тармоқлари ва зовурлар 46.4 гани ташкил этади. Хўжаликдаги суғориш тармоқларининг асосий камчилиги шундан иборатки, бу ариқлар ердан қазилган, инженерлик тармоқлари билан кам таъминланган. Каналларнинг ерда қазилганлиги вегетация даврида ортикча, кўп миқдорда сув исроф бўлишига олиб келади. Массив ҳудудида бетон ариқлар ҳам жойлаштирилган бўлиб бу йиллар ўтиши билан таъмирланмаган шу сабабли суғориш тармоқларининг ўртача фойдали иш коэффициенти 0,68 – 0,72 ни ташкил қилади. Умумий тақсимланган сувнинг 25 – 30 % ер остига сингади. Хўжаликнинг баъзи участкаларида мавжуд бўлган майда – майда суғориш тармоқларининг мавжудлиги, далалар сатҳининг кичиклиги, далалар тузилишининг нотўғрилиги сувнинг кўп миқдорда сарф бўлишига сабаб бўлмоқда. Ер ости сувларини йиғич – мелиоратив тармоқлар, яъни зовурлардир. Уларнинг умумий узунлиги 23,2 кмни ташкил этади.

1.4. Аҳоли яшаш жойлари тавсифи

Массив ҳудудида жойлашган аҳоли пунктида яшайдиган аҳолининг умумий сони 5274 кишини ташкил қилади. Аҳоли асосан битта Қорадарё қишлоқғида истиқомат қилади. Мавжуд қишлоқ туман маркази ва кўшни ҳудудлардаги аҳоли яшаш жойлари билан яхши йўл алоқаси орқали боғланган. Қишлоқда яшовчи оилалар ва аҳоли сони, уларнинг томорқа ер майдони ҳамда қишлоқнинг ободонлаштирилганлик даражаси тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги 3-жадвалда келтирилган.

3- жадвал

Массивда жойлашган аҳоли яшаш жойи тавсифи

Қишлоқлар номи	Оилалар сони	Аҳоли сони		Мавжуд маданий маиший бино ва иншоотлар	Ободонлаштирилганлик даражаси	Бажарадиган вазифаси
		Ҳаммаси	Меҳнатга яроқли			
Қорадарё	1012	5274	2034	Дўкон, маҳалла гузари	Газлашган, электрлашган, ичимлик суви билан таъминланган	Марказий қишлоқ

1.5. Ердан фойдаланиш тавсифи.

2012 йил 1 январь ҳолатига нисбатан “Қорадарё” массивида жойлашган ердан фойдаланувчиларга 1681.5 га ер майдони фойдаланиш учун бириктирилган. Хўжалик ер фондининг ер турлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги 4- жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Массивга бириктирилган ер фонди
(2012 йил 1 январ ҳолати бўйича)

Т/р	Ер турлари	Шу жумладан		
		Умумий майдони,га	Умумий майдонга нисбатан, % ҳисобида	Қишлоқ хўжалик ерларига нисбатан, % ҳисобида
1	Ҳайдалма ерлар: Ш.ж.: суғориладиган	1159.0 1150.0	68.9	84.6
2	Кўп йиллик дарахтзорлар, жами: Ш. Ж.:Боғлар узумзорлар Тутзорлар	141.0 48.0 75.0 18.0	8.4	10.3
3	Бўз ерлар	45.0	2.7	3.3
4	Ўтлоқ ва яйловлар	25.0	1.5	1.8
	Жами қишлоқ хўжалик ер турлари	1370.0	81.5	100.0
4	Томорқа ерлари	122.0	7.3	
5	Ихота дарахтлари ва терахзор	4.0	0.2	
6	Ариқ, каналлар ва зовурлар	46.4	2.8	
7	Йўллар	25.6	1.5	
8	Қурилишлар, кўчалар, саройлар ва майдонлар	28.5	1.6	
9	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар	85.0	5.1	
	Хўжаликка бириктирилган ерлар, жами	1681.5	100.0	

4-жадвал маълумотларидан кўринадикки массив ҳудудидаги умумий ер майдонининг 68.9 % ини ҳайдалма ерлар ташкил қилади. Дарахтзорлар майдони 141.0 га, бу эса умумий майдоннинг 8.4 % ини ташкил этади. Қишлоқ хўжалик ерлари 1370.0 гектар бўлиб умумий ер майдонининг 81.5 % ни ташкил қилади.

Каттақўрғон тумани ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими маълумотларига кўра 2012 йили массив ҳудудида 14 та турли ишлаб чиқариш йўналишидаги фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади ва уларга бириктирилган ерлар майдони 1424.0 гектарни ташкил этади. Фермер хўжаликларининг ўртача ер майдони 101.7 гектарни ташкил этади.

1.1. Дехқончилик тавсифи

Массивда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятининг 2012 йил маълумотлари бўйича таҳлили шуни кўрсатадики, асосий деҳқончилик тармоғи пахтачилик ва ғаллачилик ҳисоблангани ҳолда, боғдорчилик, пиллачилик йўналишлари ҳам мавжуд. Деҳқончиликнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган экин майдонлари тавсифи қуйидаги 5- жадвалда келтирилган.

5- жадвал

Фермер хўжаликларида экилган қишлоқ хўжалик экинлари таркиби

Т/р	Экинлар тури	Экин майдонлари, га	Шу жумладан, % ҳисобида
1	Пахта	621.0	54.0
2	Буғдой	437.0	38.0
3	Сабзавот	64.8	5.6
4	Ем-хашак экинлари, жами	27.2	2.4
	Ш.ж.: беда 1-йилги	6.0	
	2-3 йилги	11.4	
	маккажўхори дон учун	9.8	
Жами		1150.0	100.0

Юқоридаги 5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ҳайдалма ерларда пахта экини билан банд майдон 621.0 га бўлиб, умумий экин

майдонларининг 54 % ни, донли экинлар билан банд бўлган майдон эса 437.0 гектарни ёки 38 % ни ташкил этади. Ишлаб чиқариш натижаларини таҳлил қилишда экин майдонларининг ўлчами билан бирга етиштирилган маҳсулотнинг миқдори, ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қуйидаги 6-жадвалда экин майдонларида етиштирилган деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш бўйича маълумотлар келтирилган.

6- жадвал

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

T/p	Экинлар тури	Майдони, га	Ҳосилдор- лик, ц/га	Ялпи маҳсулот ҳажми, т
1	Пахта	621.0	27	1677
2	Бугдой	437.0	41	1792
3	Сабзавот	64.8	180	1166
4	Маккажўхори дони пояси	9.8	42 250	41 245
5	Беда, жами беда 1-йилги 2-3 йилги	17.4 6.0 11.4	60.0 180.0	36 205
Жами экин майдони		1150.0		

Аҳоли яшаш жойларида 2012 йил 1 январ ҳолатига 2034 нафар меҳнатга яроқли киши мавжуд бўлиб, шундан 1200 нафари тўғридан-тўғри фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришида қатнашган. 834 киши эса бошқа ишлар билан банд бўлган. Массив ҳудудида жами қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар майдони 1370.0 гектарни ташкил этади ёки ҳар бир меҳнатга қобилиятли одамга 0,67 га фойдаланиладиган ва 0,56 га ҳайдалма ер майдони тўғри келади. Массив ҳудудида деҳқончилик ишлаб чиқариш фаолияти билан фермер хўжаликларидан ташқари боғдорчилик-узумчилик билан шуғулланувчи фермер хўжалиги ҳам мавжуд бўлиб унга жами 60.0 га. шу жумладан 26.1 га боғ, 21.5 га узумзор ва 0.3 га тутзорлар бириктирилган. Массивда кўп йиллик

меваги дарахтзорларидан олинаётган маҳсулотлар миқдори бўйича маълумотлар 7-жадвалда келтирилган.

7- жадвал

Кўп йиллик меваги дарахтзорлар майдони, ҳосилдорлиги ва ялпи маҳсулоти

Т/р	Кўп йиллик меваги дарахтзорлар турлари	Майдони, га	Ҳосилдорлиги, ц/га	Ялпи маҳсулот, т
1	Боғ	48.0	145	696
2	Узумзор	75.0	170	1275
3	Тутзор	18.0	75	135
Жами		141.0		

7-жадвалдаги маълумотларга кўра, боғлар ва узумзорлардан олинаётган ҳосил миқдори бугунги кунда тумандаги ўртача ҳосил кўрсаткичидан анча паст.

1.7. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

Массивда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолиятини баҳолаш учун хизмат қиладиган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари қуйидаги 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

Етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қиймати

Т/р	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари номи	Миқдори, тонна	Ўлчов бирлиги харид нархи, мингсўм	Умумий қиймати, минг сўм	Шу жумладан давлатга сотилган маҳсулотлар қиймати, минг сўм
1	2	3	4	5	6
1	пахта	1677.0	900	1509030	1509030
2	бугдой	1792.0	300	537600	322560
3	сабзовот	1166.0	500	583000	
4	мева	696.0	500	348000	
5	узум	1275.0	500	637500	

8-жадвалнинг давоми					
6	Маккажўхори дони	41.0	500	20500	
7	пичан	486.0	50	243000	
Деҳқончилик бўйича жами				3878630	1831590
8	гўшт	36.3	12000	435600	261360
9	сут	507	1000	507000	304200
10	пилла	9.5	5000	47500	47500
Чорвачилик бўйича жами				990100	613060
Массив бўйича ҳаммаси				4868730	2444650

Массивда фаолият кўрсатган фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари асосида ўртача ишлаб чиқариш кўрсаткичлари қуйидагича қийматларга эга бўлади (9-жадвал).

9-жадвал

Массивнинг асосий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1.	Ялпи маҳсулот қиймати, жами Ш.ж.: деҳқончиликда чорвачиликда	Минг сўм Минг сўм Минг сўм	4868730 3878630 990100
2.	Ишлаб чиқариш харажатлари Соф даромад Рентабеллик	Минг сўм Минг сўм %	3846297 1022433 26.6

9-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, 2012 йил якунлари бўйича фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотнинг умумий қиймати 4868730 минг сўмни, ишлаб чиқариш харажатлари 3846297 минг сўмни, соф даромад 1022433 минг сўмни ва самарадорлик кўрсаткичи 26.6 % ни ташкил этган.

2-БОБ. МАССИВДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ЕР УЧАСТКАЛАРИ ЎЛЧАМЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ЛОЙИХАСИ

2.1. Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш йўналишлари сони ва майдонини аниқлаш

Республика қишлоқ хўжалик соҳасини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш соҳасида замонавий технологияларни жорий қилиш ва хўжалик юритишнинг рақобатбардош шаклларни жорий қилиш билан боғлиқ иқтисодий механизмларни такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” 2012 йил 22 октябрдаги ПФ–4478 -сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январда қабул қилинган “Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида Низом”нинг бажарилиши юзасидан ҳамда ижара муносабатларини кенг ривожлантиришни мақсадида бир қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Қабул қилинган ушбу ҳужжатларда қуйидаги вазифалар қўйилган:

- қишлоқда ижара муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил қилишнинг етакчи бўғини ва шакли сифатида фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ҳимоя қилиниши ва самарали фаолият юритишини таъминлаш;
- фермерликни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, фермер хўжаликларининг ўзини ўзи бошқариш таъсирчан механизмларини яратиш, уларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш;
- фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини ошириш, фермерларнинг ер-сув ресурсларидан оқилона

фойдаланиш, замонавий технологияларни жорий этиш ва қишлоқ хўжалик хомашёсини комплекс қайта ишлаш, шунингдек, қишлоқда янги ишлаб чиқаришлар ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил қилиш ҳамда ривожлантириш ҳисобига механизациялаш даражаси ва рентабелликни оширишдан манфаатдорлигини рағбатлантириш.

Юқорида келтирилганлардан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг асосий шакли сифатида фермер хўжаликларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек қишлоқда бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш кераклиги белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунига асосан “Фермер хўжалиги –ўзига танлов асосида узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъектдир. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан фермер хўжаликлари қуйидаги тартибда ташкил этилиши белгилаб қўйилган:

1. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги ўзининг бизнес режасида назарда тутилган камида 30 шартли бош чорва молларини боқиш шартлари билан ташкил этилади. Бунда шартли равишда ҳар бир бош мол ҳисобига қуйидаги коэффициентлардан фойдаланилади: Қорамоллар (сигирлар, новвослар) ва отлар учун – 1,0, ёш қорамоллар учун –0,6, қўй ва эчкилар учун –0,1, чўчқалар учун –0,3 ҳамда паррандалар учун –0,025.

Фермер хўжалигига бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами, ҳар бир шартли бош чорва молига ҳисоблаганда: Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерлардан – камида 0,30 гектардан, Қорақолпоғистон республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида суғориладиган ерларда – камида 0,45 гектардан, суғорилмайдиган (лалмикор)

хайдалма ерлардан камида 2 гектардан ер ажратиш лозимлиги қонун ҳужжатларида белгиланган.

Дехқончилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашаётган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами: пахтачилик ва ғаллачилик учун – камида 30 гектарни; боғдорчилик, узумчилик сабзавотчилик ва бошқа экинлар етиштириш учун камида 5 гектарни ташкил қилади.

Ер участкаси фермер хўжалигига имкони борича ягона мавзе бўйича, контурлар яхлитлиги сақлаб қолинган ҳолда берилади, участка чегаралари суғориш тармоқлари, коллекторлар, йўллар ва бошқа топографик элементлар бўйича белгиланади. Фермер хўжалигига берилаётган ер участкаси бошқа ердан фойдаланувчиларнинг ердан фойдаланишлари учун ноқулайликлар вужудга келтирмаслиги керак. Юқорида келтирилган талаблар ва ширкат хўжалигининг амалда мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги йўналишларини, сони ва бириктирилаётган ер участкасининг майдони аниқланади.

Сўнгги йилларда республика ҳукумати томонидан қабул қилинган бир қатор норматив ҳужжатларда фаолият юритаётган фермер хўжаликларини ер майдонларини инвентаризациядан аниқ ўтказиш, ер майдонларидан оқилона фойдаланишини таҳлил қилиш ва фермер хўжаликларининг молиявий ҳолатини танқидий таҳлил қилиш натижасида фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш вазифаси қўйилди. Бу ишларни амалга оширишда фермер хўжаликларининг иш юритишни ташкил этилганлиги, техника ва техник воситалар билан таъминланганлигига алоҳида эътибор қаратилиши кўрсатиб ўтилди.

Фермер хўжаликларини лойиҳалашдан олдин хўжаликда мавжуд фермер хўжаликларини кўриб чиқамиз. Уларнинг ер майдонлари бўйича тавсифи қуйидаги 10-жадвалда келтирилган.

Мавжуд фермер хўжаликларига бириктирилган ер турлари тавсифи

№	Ердан фойдаланувчилар номи	Йуналиши	Контур раками	Ер хисоботидаги жами экин ер майдони (га)	шундан		Шундан					Яйлов ер	Бошка ер	Балл бонитет и
					Сугори ладига н	лалми	Жами куп йиллик дарахзор лар	Бог	Токзор	Тутзор	Бошка куп йиллик дарахзорла р			
1	Асокул Суюнов бархаёт	пахта ва ғаллачилик	156	31,2	27,1				1,8				2,3	71
			155	3	2,6								0,4	64
			37	26,9	26,4								0,5	64
			32	19,3	18,7								0,6	64
			39	15	0,5	7,6			6,9				0,0	64
			50	38,8	33,7								5,1	64
			153	1,7				1,6					0,1	64
			41	1,5				0,6					0,9	64
			43	3		0,9						1,9	0,2	64
			152	1,2						1,1			0,1	64
			36	1,1						1,1			0,0	64
			11	142,7	109	8,5	0	2,2	8,7	2,2	0	1,9	10,2	
2	Барно ота бинокор	пахта ва ғаллачилик	344	11,1	10								1,1	64
			341	5,4	4,4			1					0,0	64
			189	17,6	16								1,6	81
			140	7,4	5,7								1,7	71
			140a	17,4	12,3			1,8	1,5				1,8	71
			169	9,1	8,8								0,3	71
			139a	2	2								0,0	71
			167	13,8	12,5				0,8				0,5	71
			175	10,2						9				71
			9	94	71,7	0	0	2,8	2,3	9	0	0	7	
3	Бердимурод ризакул	пахта ва ғаллачилик	321	5,8	5,2								0,6	63
			317	7,9	7,2								0,7	68
			315	3,2	3								0,2	81

			10-жадвалнинг давоми									
			318	15,4	14,6						0,8	68
			312	18,2	17,8						0,4	68
			313	15,2	14,1						1,1	71
			292	10,5	10,3						0,2	71
			293	10,9	10,3						0,6	71
			7	87,1	82,5	0	0	0	0	0	0	4,6
4	Гумбаз нурли тухваси	пахта ва ғаллачилик	123	9,1	8,3						0,8	71
			120	18,8	16						2,8	71
			70	24,8	23,8						1,0	71
			61	6,8	6,5						0,3	71
			144	16,9	8,4			8,2			0,3	71
			145	14	13,6						0,4	71
			97	20,4	20						0,4	71
			97a	12,4	12,2						0,2	71
			92a	8,3	8						0,3	71
			92	30,8	28,7						2,1	71
			87	1,6					1,4		0,2	71
			84	1,8	1,7						0,1	71
			94	1,3	1						0,3	71
			121	5,9				5,1				71
			13	172,9	148,2	0	0	0	13,3	1,4	0	9,2
5	Келажаги порлок йулдош	пахта ва ғаллачилик	301	5	5						0,0	68
			299	16,7	16,4						0,3	68
			298	9,3	8,1						1,2	58
			281	0,5	0,2			0,25			0,1	58
			279	1,5	1,5						0,0	58
			296	12	11,8						0,2	58
			295	12	11,8						0,2	68
			274	4,7	0,2					4	0,5	68
			285	9,8	8,1				1		0,7	68
			286	14,7	13,5						1,2	68
			308	23,7	20,9			1,2			1,6	68
			310	5,1	4,3						0,8	68
			278	2	0,3				1,7		0,0	68

			10-жадвал давоми											
6	Кудрат бархаёти	пахта ва ғаллачилик	258	16,5	16								0,5	68
			13	133,5	118,1	0,0	0,0	1,5	0,0	2,7	4,0	0,0	7,3	
			306	7,3	6,8								0,5	68
			307	14,5	13,7								0,8	68
			302	24,5	24,1								0,4	63
			301	10,8	10,8								0,0	63
			241	11,6	11								0,6	58
			233a	1,1				0,5					0,6	68
			233	4,1				4					0,1	68
			234	2	1				0,4	0,2			0,4	68
7	75,9	67,4	0	0	4,5	0,4	0,2	0	0	3,4				
7	Навруз	пахта ва ғаллачилик, чорвачилик	8	28,6	27,2								1,4	71
			7	5,8	5,3								0,5	71
			54	16,9	16,5								0,4	71
			5	14,7	14,5								0,2	71
			2	10,3	10								0,3	71
			3	11,3	10,5								0,8	71
			79	12,4	9,1								3,3	71
			339a	2	2								0,0	71
			66	9,1	8,9								0,2	71
			77	30,5	29,8								0,7	71
			59	10,6	10,1								0,5	71
			69	0,8	0,3			0,5					0,0	71
			62	4,4					4,2				0,2	63
			68	4,7				4,5					0,2	63
			78	9,2					9				0,2	58
			3a	4					3,5				0,5	68
			15	8,3								8,1	0,2	68
			19	5,2								5	0,2	71
			51	4,2								4,1	0,1	71
			52	3,3								2,8	0,5	71
			53	3,1								2,8	0,3	71
			20	199,4	144,2	0,0	0,0	5,0	16,7	0,0	0,0	22,8	10,7	
			8	Ойдинов Одил	пахта ва	350	23,3	22,3						

10-жадвал давоми												
	Нодира	ғаллачилик	348a	11,9	10,8							1,1 64
			348	11,9	11,5							0,4 56
			340	11,3	11							0,3 64
			351	11,6	10,8							0,8 64
			352	26,9	26,1							0,8 64
			347	1,8					1,7			0,1 64
			349	3,4	0,5			2,5				0,4 64
			7	102,1	93	0	0	2,5	0	1,7	0	4,9
9	Олим Актам бобо	пахта ва ғаллачилик	304	23,5	22,5							1,0 56
			309	6	5,8							0,2 56
			2	29,5	28,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	1,2
10	Феруз Акбарович	пахта ва ғаллачилик	147	31,5	31,1							0,4 71
			146a	7,7	7							0,7 71
			146	7,7	4,9			2,3				0,5 71
			143	21,5	21							0,5 71
			142	7,7	7,4							0,3 71
			121	1	0,6							0,4 71
			162	1,2	0,7			0,5				0,0 71
			60	19,6	17,6			0,5	0,1			1,4 71
			149	2,9					2,7			0,2 71
			8	100,8	90,3	0,0	0,0	3,3	2,8	0,0	0,0	4,4
11	Хайрилло Актам Истикболи	пахта ва ғаллачилик	101a	13,5	12,5							1,0 71
			111	11,6	11,4							0,2 71
			101	30,5	28,3							2,2 71
			224	0,8	0,6							0,2 71
			108	1,7	1,5							0,2 71
			232a	1,1	0,5			0,5				0,1 71
			113	2	2							0,0 71
			112	7,2					6,9			0,3 71
			109	1,9					1,8			0,1 71
			106	1	1							0,0 71
			107	0,9	0,9							0,0 71
			105	0,7					0,7			0,0 71
			12	72,9	58,7	0,0	0,0	0,5	9,4	0,0	0,0	4,3

10-жадвал давоми													
12	Шоназар Очилов	пахта ва ғаллачилик	180	23,5	23							0,5	81
			183	28	25,3							2,7	64
			186	4,6	4,4							0,2	81
			341	1,2	1							0,2	64
			186	3,5	1,5							2,0	64
			5	60,8	55,2	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	5,6	
13	Элёр Носиров	пахта ва ғаллачилик	236a	6,8	6,4							0,4	65
			249a	6,4	6,3							0,1	65
			249	14,7	12							2,7	65
			252	15,6	13							2,6	68
			250	8,7	8,5							0,2	68
			250a	6,8	6,4							0,4	68
			251	10,7	10,1							0,6	68
			251a	8,3	8,3							0,0	68
			236	1,9	1,2							0,7	68
			256	12,7	12,3							0,4	
			9	92,6	84,5	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	8,1	
14	Хасан Хошим Рахимовлар	боғдорчилик	119	10,3				9,2		0,3		0,8	65
			116	9,3	0,2			8,1	0,4			0,6	65
			118	15,0					13,6			1,4	68
			129	7,8	1,6			4,8	1,2			0,2	68
			125	6,3				2,4	3			0,9	68
			127	0,6					0,6			0,0	68
			126	4,1	1,6				2,5			0,0	68
			132	2,8	0,7			1,6	0,2			0,3	68
			131	3,8	3,7							0,1	68
			8	60,0	7,8	0,0	0,0	26,1	21,5	0,3	0,0	0,0	4,3
	массив буйича жами			1424	1159	9	0	48	75	18	4	25	85

Массивда фаолият кўрсатаётган 14 та фермер хўжаликларини ўрганиш натижасида шу хулосага келдикки фермер хўжаликлари бир нечта йўналишларда ихтисослашган бўлиб уларга бириктирилган ер участкалари яхлит эмас балки тарқоқ жойлашган. Бу эса ўз навбатида фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни ташкил қилишда бир қатор қийинчиликларни юзага келтиради ва маҳсулот таннархини оширади.

Шу сабабли уларни массив ҳудудида яхлит бир учаскада жойлаштириш ва майдон ўлчамларини оптималлаштириш билан боғлиқ хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқдик. Фермер хўжаликларининг ер участкалари майдонлари ўлчамларини оптималлаштириш билан боғлиқ лойиҳанинг натижалари 11-жадвалда келтирилган.

Массив ҳудудида оптималлашган фермер хўжаликларини ташкил қилиш бўйича ҳудуднинг табиий иқлим шароитларини ва аҳоли зичлигини ҳисобга олган ҳолда 7 та фермер хўжаликлари лойиҳаланди. Бу фермер хўжаликларидан 6 таси пахта-ғаллачиликка, 1 таси пахта-ғалла-чорвачиликка ва 1 таси боғдорчиликка ихтисослашган.

Ер майдонлари ўлчамлари оптималлашадиган фермер хўжаликларининг ихтисослиги
ва бириктириладиган майдонлари тавсифи

№	Фермер хўжаликлари ихтисослиги	Бириктирилади ган контурлар	Умумий майдони	Шу жумладан				
				Хайдалма ер	Боғлар	Узумзор	Тутзор	Бошқа ерлар
1	Дехқончилик- боғдорчилик- узумчилик	2,3,4,7,8,10,12,14,15,17,18, 19,23,24,30,31,32,37,39,44, 46,51,52,53,57	258.5	215.9	2.0	2.6	1.0	37.0
2	Дехқончилик- боғдорчилик- узумчилик	139 ^a ,140,140 ^a ,142,146,146 ^a , 147,156,157,169,175,176,178	185.0	179.8	3.0	2.6	6.5	3.1
3	Дехқончилик- боғдорчилик- узумчилик	61,70,81,83,84,86,92,92 ^a ,93, 97,97 ^a ,101,104,107,109,110, 111,120,123,144,145,	272.2	245.1	6.0	15.8	2.0	3.3
4	боғдорчилик- узумчилик	117,119,120,121,125,126,127, 128,129,134,144	80.0	-	28.6	38.7	-	3.0
5	Дехқончилик- боғдорчилик- узумчилик	180,183,186,188,197,310,312, 313,317,318,338,344,348, 348 ^a ,350,	240.1	224.8	2.0	7.6	3.0	2.7
6	Дехқончилик- боғдорчилик- узумчилик	249 ^a ,250,250 ^a ,251,252,254, 255,258,304,308,309	192.2	175.6	1.4	8.7	4.0	2.5
7	Дехқончилик- боғдорчилик	206,273,274,235,278,279,281, 290,292,293,295,296,299,298, 301, 302,351,352	196.0	187.8	5.0	-	1.5	2.4
	жами		1424.0	1229.0	48.0	75.0	18.0	64.0

Фермер хўжаликларини ҳудудда жойлаштириш

Массив ҳудудидаги мавжуд фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш натижасида 7 та фермер хўжаликлари лойиҳаланди ва ҳудудда жойлаштирилди. Жойлаштириш натижалари қуйидаги 12 - жадвалда келтирилган.

12-жадвал

Лойиҳаланаётган фермер хўжаликларининг жойлашув тавсифи

№	Фермер хўжаликлари ихтисослиги	Умумий майдони, га	Шу жумладан				Массив ҳудудида жойлашган ўрни
			Хайдалма ер	боғлар	узумзор	тутзор	
1	Дехқончилик-боғдорчилик-узумчилик	258.5	215.9	2.0	2.6	1.0	Массивнинг шимолий қисмида
2	Дехқончилик-боғдорчилик-узумчилик	185.0	179.8	3.0	2.6	6.5	Массивний шимолий-шарқий қисмида
3	Дехқончилик-боғдорчилик-узумчилик	272.2	245.1	6.0	15.8	2.0	Массивний шимолий-ғарбий қисмида
4	боғдорчилик-узумчилик	80.0	-	28.6	38.7	-	Массивний марказий қисмида
5	Дехқончилик-боғдорчилик-узумчилик	240.1	224.8	2.0	7.6	3.0	Массивний шарқий қисмида
6	Дехқончилик-боғдорчилик-узумчилик	192.2	175.6	1.4	8.7	4.0	Массивний ғарбий қисмида
7	Дехқончилик-боғдорчилик	196.0	187.8	5.0	-	1.5	Массивний жанубий қисмида
	жами	1424.0	1229.0	48.0	75.0	18.0	

Оптималлаштирилган фермер хўжаликлари ер участкалари ҳудудда жойлаштирилгач экин майдонларида экиладиган экин турлари таркиби аниқланади (13-жадвал).

Фермер хўжаликларидаги экин турлари таркиби

т/р	Экинлар тури	Экин майдонлари, га	Шу жумладан, % ҳисобида
1.	Пахта	634.4	52.0
2.	ғалла	463.6	38.0
3.	сабзавот	92.7	7.6
4	Ем-хашак экинлари, жами Ш.ж.: беда 1-йилги 2-3 йилги маккажўхори дон учун	29.3 7.6 10.0 11.7	2.4
	жами	1220	100.0

Юқоридаги 13-жадвалда истҚорадарёда фермер хўжаликларида экиладиган экин турлари ва майдонлари аниқланди. Унга кўра фермер хўжаликларида пахта экини майдонини 2.0 % га камайтириш ва унинг ҳисобига сабзавот экинлари майдонини 1.8 %га ошириш режалаштирилди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 октябрь 2008 йилдаги “Озиқ овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора тадбирлари тўғрисида” ги фармонида кўра пахта экиладиган далаларни камайтириш ҳисобидан бошоқли дон экинлари учун мўлжалланган майдонларни қарийиб 50 минг гектарга кўпайтириш, шунингдек, сабзавот, мойли ўсимликлар ва бошқа озиқ овқат экинлари экиладиган ерларни янада кенгайтириш кўзда тутилгани асос қилиб олинди. Массив ҳудудида жойлашган фермер хўжаликлари ер майдонларини ўлчамларини оптималлаштириш натижасида фермер хўжаликларида боғлар, узумзорлар ва қишлоқ хўжалик экинларидан олинадиган ялпи маҳсулотлар ҳисоби қуйидаги 14-жадвалда келтирилган.

**Массив ҳудудида жойлаштирилган фермер хўжаликларида етиштириладиган
қишлоқ хўжалик маҳсулотлари**

Т.р	Қишлоқ хўжалик экин ва ер турлари	Майдони, га	Ҳосилдорлик ц/га	Ялпи ҳосил, тонна
1	Пахта	634.4	30	1903
2	Бугдой Ш. Ж.: дони Сомони	463.6	45 30	2086 1389
3	Сабзавот	92.7	220	2039
4	Беда, жами Ш.ж.: 1-йилги 2-3 йилги	17.6 7.6 10.0	80 200	61 200
5	Маккажўхори: Дони пояси	11.7	45 270	53 316
4	Боғ	48	160	768
5	Узум	75	200	1500
7	Қайта экин: Маккажўхори силос учун	11.7	200	234
	Жами	1220.0		

2.3 Фермер хўжаликларига ер ажратиш ҳужжатларини расмийлаштириш

Ер тузишдаги қонун ҳужжатларига асосан қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик корхонаси ер участкалари махсус комиссия томонидан ўтказилган танлов якунлари ва уларнинг фермер хўжаликлари ер майдонларидан оқилона фойдаланишгани, техник воситалари мавжудлиги ва фермер хўжалигининг молиявий аҳволини таҳлил қилиш натижалари, фермер хўжалигида меҳнатни ташкил қилиш аҳволи ўрганиб чиқилади. “Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисидаги Низом” га ер участкаларини бириктириш куйидаги тартибда амалга оширилади. Туман ҳокимининг танлов ўтказиш бўйича қарори

махаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Танловда катнашиш учун юридик ёки жисмоний шахслардан эълонда белгиланган муддат ичида тегишли аризани қабул қилинади. Фуқороларнинг аризалари махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади. Танлов комиссияси танловни икки босқичда ўтказди. Унинг биринчи босқичида ер участкасини олишга давогарнинг имкониятлари (мутахассислиги, маълумот, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги иш стажи, техниканинг мавжудлиги, моддий маблағлари, давлат харид режаларини бажариш даражаси ва бошқалар), иккинчи босқичда комиссия аъзолари билан ер участкасини олишга давогар ўртасида суҳбат ўтказилади. Танловнинг икки босқичи якунига кўра энг кўп балл тўплаган шахс танлов ғолиби деб эълон қилинади ва комиссия қарори баённома билан расмийлаштирилади ва туман ҳокимига тақдим қилинади. Туман ҳокими комиссия қарори асосида фермер хўжалиги ер участкасини мақбуллаштириш тўғрисида қарор чиқаради, ушбу қарорни ҳамда танлов комиссияси иши натижаларини вилоят ҳокими бошчилик қиладиган ер участкалари бериш масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясига тасдиқлаш учун юборади. Вилоят ҳокими бошчилигидаги комиссия тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва туман ҳокимининг фермер хўжалиги ер участкаси ўлчамини мақбуллаштириш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш (рад этиш) ҳақида қарор қабул қилади. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати томонидан беш кун муддатда ер участкасини ижарага бериш бериш шартномаси тайёрланади. Шартнома туман ҳокими ва фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади. Шартномага унинг ажралмас қисми сифатида фермер хўжалиги ер участкасининг харитаси илова қилинади. Унда жойдаги барча ҳолатлар тўлиқ кўрсатилади. Шартнома тузилгандан кейин беш кун муддатда ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати вакили чегарадош ерлар вакиллари иштирокида ижарага берилган ер участкаси чегарасини кўрсатади. Ерларни кўрсатиш далолатнома билан расмийлаштирилади. Унда фермер хўжаликлариерлари таркибига кирадиган

ерлар контурлари кўрсатилади, ижарага берилаётган ер участкаси чегаралари жойнинг қайси элементлари бўйлаб ўтиши ва бошқалар тавсифланади. Далолатнома туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими вакили, чегарадош ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар вакиллари ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади. Далолатнома икки нусхада тузилади, улардан биттаси туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимида, иккинчиси фермер хўжалиги бошлиғида сақланади. Ерларни ижарага беришни расмийлаштириш ишлари тугаллангач ер тузиш йиғмажилди тайёрланади. Унда қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлади:

1. Фуқоронинг фермер хўжалиги ташкил этиш танловда қатнашиш тўғрисидаги аризаси;

2. Ер участкалари бериш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссияси ёки мазкур комиссия томонидан ўтказилган танлов яқунлари тўғрисида баённома;

3. Туман ҳокимининг фермер хўжалигига ер участкасини ижарага бериш тўғрисидаги қарори;

4. Фермер хўжалигининг ер участкаси чегараларини жойда кўрсатиш кўрсатиш далолатномаси;

5. Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси;

6. Ер участкаси тарҳи.

Фермер хўжалиги ер участкасини ижарага беришни расмийлаштириш бўйича ер тузиш йиғма жилди 2 нусхада тайёрланади, улардан биттаси туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимида, иккинчиси фермер хўжалиги бошлиғида сақланади.

“Қорадарё” массиви ҳудудида

(хўжалик номи)

фермер хўжаликлари ер майдонлари
ўлчамларини оптималлаштириши
бўйича комиссия раиси туман ҳокимининг
биринчи ўринбосари Б.Ҳакимовга
Қорадарё қишлоғида яшовчи фуқаро
Т.П. Шавкатов томонидан

А Р И З А

Менга, “Қорадарё” массиви ҳудудидаги 117,119,120,121,125,126,127, 128,129,132,134144 контурларда жойлашган 88.0 гектар ер участкасида фермер хўжалиги ташиқил этиши учун танловда қатнашишига рухсат беришингизни сўрайман.

Ўзим ҳақимда қуйидагиларни билдираман:

Маълумотим – олий, агроном-олим, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бўйича 22 йиллик иш стажига эгаман

(маълумоти, мутахассислиги, иш тажрибаси ва стаж, шу жумладан қишлоқ хўжалигида)

ташиқил этиладиган фермер хўжалиги ходимлари тўғрисидаги маълумотлар:

аъзолар сони 21 киши, барчаси қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши бўйича етарли тажриба ва малакага эга

(ходимлар сони уларнинг билими, иш тажрибаси ва стаж, шу жумладан қишлоқхўжалигида)

Ўз навбатида бириктирилган ер участкасидан юқори ҳосил олиши, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини (уч йилда ўртача ҳисоблаганда) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаган миқдорда таъминлаш, «Сув ва сувдан фойдаланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 35-моддасига мувофиқ сув объектларидан фойдаланиши мажбуриятларини бажариши, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан Ер кодексининг 48-моддасига мувофиқ фойдаланиши мажбуриятларини бажариши, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан тасдиқланган қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириши схемасига риоя қилган ҳолда 10 йил мобайнида ишлаб чиқариши ихтисослашувини ўзгартирмаслик, алмашлаб экишига риоя қилган ҳолда давлат эҳтиёжлари учун махсулот сотиши, кредиторлик қарзларини муддатларида тўлаш, шунингдек комиссия томонидан қўйилган бошқа шартларни бажариши мажбуриятини ўз зиммамга оламан.

(сана)

(имзо)

Фермер хўжалигини юритиш учун
ер участкаси бўйича тендер (танлов)
ғолибини аниқлаш тўғрисида

Каттақўрғон тумани “Қорадарё” массивида фермер хўжаликлари ер
майдонларини оптималлаштириш комиссияси йиғилишининг
комиссия номи)

60 - сонли баённомаси

“Қорадарё” кишлоғи
Раислик қилди:

«22» 12 2012 йил

Б.Хакимов

(комиссия раиси Ф.И.Ш)

Қатнашдилар:

И.Садиев

(комиссия аъзоси Ф.И.Ш)

Д.Жабборов

(комиссия аъзоси Ф.И.Ш)

КУН ТАРТИБИ

1. “Қорадарё” массиви ҳудудида фермер хўжаликларини ташкил этиш
бўйича ўтказилган танлов якунлари тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия раиси Б.Хакимовнинг
ахбороти эшитилди.

Кун тартибидаги масалани муҳокама қилиб комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

“Қорадарё” массиви ҳудудида фермер хўжаликларни ташкил этиш учун
ўтказилган танлов натижалари қуйидагича тадиқлансин.

№	Танлов ғолиби (Ф.И.Ш)	Ер лойиҳаси №	Майдони, га	Тўплаган балли
1	Т.П.Шавкатов	1	80.0	74
2	К.Т.Махкамов	2	146.0	73
3	П.Л.Ашуров	3	161.8	71
4	З.Д.Тешаев	4	53.0	76

Комиссия раиси

(имзо)

Б.Хакимов

(Ф.И.Ш)

Комиссия аъзолари :

(имзо)

И. Садиев

(Ф.И.Ш)

(имзо)

Д.Жабборов

(Ф.И.Ш)

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARQAND VILOYATI
Kattaqorgon tumani Hokimining
Q A R O R I**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
Каттақўрғон тумани
ҲОКИМИНИНГ
Қ А Р О Р И**

2012 йил «26» декабр

№ 82 - сонли

Каттақўрғон шаҳри

Туман ҳудудидаги «Қорадарё» массивида фермер хўжалигини ташкил этиш учун тендер танловида ғолиб чиққан фуқароларга ер майдонлари ажратиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22.10 даги ПФ–4478-сонли Фармони ҳамда вилоят ҳокимининг 2012 йил «28» 10 даги 65-сонли қарори, Каттақўрғон тумани ҳокимининг 2012 «06» 11 даги -71-сонли қарорига асосан, ҳамда тумандаги «Қорадарё» массивида фермер хўжалири ер участкалари майдонлари шлчамларини оптималаштириш бўйича комиссия йиғилишининг 2012 йил «20» 12 даги 60 – сонли баённомасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Тумандаги «Қорадарё» массивида фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини оптималлаштириш бўйича комиссия йиғилишининг 2012 «20» 12 даги 60 – сонли баённомаси тасдиқлансин.
2. «Қорадарё» массивида ер майдонлари ўлчамлари оптималлаштирилган фермер хўжаликларини тендер танловида ғолиб чиққан фуқароларга ижара шартномаси асосида 49 йил муддатга кўшимча ер майдонлари ажратиб бериш белгиланган тартибда 1 ва 2 – иловага асосан ажратиб берилсин.
3. Тендер танловида ғолиб чиққан фуқароларга туман деҳқон ва фермер хўжаликлари вакилликка аъзо бўлиб иш ташкил қилиш, ажратиб берилган ер майдонларидан белгиланган мақсадда ва самарали фойдаланиш, туман ҳокимлиги билан келишмасдан капитал қурилиш қилмаслик, режада белгиланмаган такрорий экинларни экмаслик вазифалари топширилсин, акс ҳолда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» нинг 36,40 моддаларининг бандлари ва фермер хўжалигини ер участкасини узоқ муддатли ижара шартномасининг 6 боб 17 бандидаги ҳолатлар содир этилганда ерга эга бўлган ижара шартномаси бекор қилинсин.
4. Туман статистика бўлими (*Ж.Собиров*) га янги ташкил этилаётган фермер хўжаликларига ном гувоҳномаларини олиб бериш чора-тадбирларини белгилаш вазифаси топширилсин.
5. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси (*П.Химматов*) га янги ташкил этилаётган

фермер хўжаликларини белгиланган тартибда солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйиш ҳамда муҳр ва тамға тайёрлаш учун рухсатнома бериш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (*И. Садиев*)га туман ер хисоботига тегишли ўзгаришлар киритиш, фермер хўжаликларига ер кадастр хужжатларини тайёрлаб бериш ва ажратилаётган ерларнинг чегарасини кўрсатиб бериш вазифалари топширилсин.

7. Туман ҚСХБ, туман МТП, туман ДФУ вакиллиги, Агрокимё таъминот туман бўлими раҳбарларига фермер хўжаликларига айлантирилаётган хўжаликларида ўзларини муқобил хизмат кўрсатиш бўлимларини ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

8. Ушбу қарор тасдиғини халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессияси ва вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

9. Мазкур қарорни бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Ҳоким

Ш.Каримов

Қишлоқ хўжалиги корхонасини фермер хўжаликларига айлантиришда ер
участкасини узоқ муддатли
ижарага бериш

Ш А Р Т Н О М А С И

Ушбу Шартнома намунаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5-
январ №8-сонли қарори билан тасдиқланган

*Қишлоқ хўжалиги корхонасини фермер хўжаликларига айлантиришда ер
участкасини узоқ муддатли ижарага бериш*

Ш А Р Т Н О М А С И

2013 йил «02» январ

548- сон

Кейинги ўринларда «Ижарага берувчи» деб аталадиган Самарқанд вилояти Каттакўрғон тумани ҳокимлиги номидан ҳоким Ш.Каримов бир томондан ва туман ҳокимининг 2012 йил «26» 12 даги 82- сонли қарори билан ташкил этилган, кейинги ўринларда «Ижарачи» деб аталадиган «**Боғбон**» фермер хўжалиги бошлиғи

Т.П.Шавкатов

(хўжаликнинг номи, хўжалик бошлиғининг исми, фамилияси ва отасининг исми)

иккинчи томондан ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

I.Шартнома мавзуси

1. Ижарага берувчи Каттакўрғон тумани ерларидаги 80.0 гектар ер участкасини 2013 йил «02» 01 дан бошлаб 49 йил муддат билан узоқ муддатли ижарага беради. Ижарачи эса ижарага қабул қилиб олади.

Ер участкаси чегаралари ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган илова қилинаётган фермер хўжалиги ерларининг тархида кўрсатилган.

2.Ер участкаси Боғдорчилик -узумчилик

(ихтисослашуви)

фермер хўжалигини юритиш учун узоқ муддатли ижарага берилмоқда.

3.Ер участкаси қуйидаги экин майдонларидан иборат:

суғориладиган экин майдони 12.2 гектар;

лалми экин майдони - гектар;

боғлар 32.6 гектар;

токзорлар 35.7 гектар;

пичанзор ва яйловлар - гектар;

суғориш тармоқлари, дренажлар, йўллар 3.0 гектар;

иморатлар 1.5 гектар;

бошқа ерлар 3.0 гектар.

4.Суғориладиган ерларнинг сифат бўйича ҳолати:

сув билан таъминланганлиги 95 %

суғориб келинаётган муддати эскидан ;

экин экиб келинаётган муддати эскидан;

сув сингдирувчанлиги яхши;

эрозияга учраганлик даражаси кам ;

тошлоқлилик даражаси кам;
шўрланганлик даражаси ўртача;
сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги 2-6 м;
тупроқнинг балл-бонитети 60 балл;
ернинг норматив бўйича қиймати 195587 минг сўм.
5.Ер участкасини фойдаланилганлик даражаси ўртача;
6.Сервитутлар йўқ.

II. Ижара ҳақини тўлаш

7. Ер учун ижара ҳақи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қишлоқ хўжалиги ерлари учун тасдиқланган муддатлар ва ставкалар бўйича ягона ер солиғи тарзида туман бюджетига тўланади.

8. Ижара ҳақининг ўз вақтида тўланмаганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пеня ундирилади.

III.Ижарага берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

9. Ижарага берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ушбу Шартномани ўзгартиришни ёки Шартнома шартлари Ижарачи томонидан бузилган тақдирда уни бекор қилишни белгиланган тартибда талаб қилиш;

ер участкасини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда харажатларни ва етказилган заррани (шу жумладан бой берилган фойдани) тўлиқ қоплаш шарти билан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиш;

ер участкасидан фойдаланилганлик даражасини ва сервитутларни аниқлаш.

10. Ижарага берувчи қуйидагиларга мажбур:

ижарага олинган ер участкасини ушбу Шартномада белгиланган муддатларда натура ҳолида (ўз жойида) берилишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги экинлари ва ўсимликларни суғориш учун ажратилган лимитларга мувофиқ сув берилишини таъминлаш;

Ижарачининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларга риоя қилиш.

IV. Ижарачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

11. Ижарачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ер участкасида белгиланган мақсадда ва фермер хўжалиги уставига мувофиқ мустақил равишда хўжалик юритиш;

экилган ва ўтқазилган қишлоқ хўжалиги экинлари ва ўсимликларга, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ҳамда уларни сотишдан олинган даромадларга эгалик қилиш;

ер участкасидаги кенг тарқалган фойдали қазилмалар, ўрмонзорлар, сув объектларидан хўжалик эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда

фойдаланиш, шунингдек ерларнинг бошқа фойдали хоссаларидан фойдаланиш;

ерларни суғориш, захини қочириш, агротехника ва бошқа мелиоратив ишларни амалга ошириш;

кишлоқ хўжалиги экинларини , ўсимликларни суғориш ва бошқа мақсадлар учун суғориш манбаларидан лимитларгм мувофиқ сув олиш;

Ижарага берувчи билан келишилган ҳолда, белгиланган тартибда ишлаб чиқариш мақсадидаги ҳамда бошқа иморат ва иншоотлар қуриш. Уларни қайта қуриш ва бузишни ер участкасининг белгиланган мақсадидаги ҳамда лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш;

Ер участкаси олиб қўйилганда ўзига етказилган зарарни (шу жумладан бой берилган фойдани) ёки ер участкасидан ихтиёрий равишда воз кечилганда харажатларни ундириб олиш;

Ижарачи «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

12. Ижарачи куйидагиларга мажбур:

ихтисослашувни 10 йил мобайнида сақлаш;

давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотлар етиштиришни (ихтисосликни ҳисобга олгин ҳолда) ташкил этиш;

ерлардан белгиланган мақсадда оқилона фойдаланиш , тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилиш технологияларини қўллаш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашишига йўл қўймаслик;

ишлаб турган ирригация ва мелиорация тармоқлари, муҳандислик коммуникацияларининг соз ҳолатда бўлишини таъминлаш;

ерларни муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида назарда тутилган тадбирлар комплексини амалга ошириш;

ер учун ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш;

бошқа ер эгалари , ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва эгаларининг ҳуқуқларини бузмаслик;

ердан фойдаланиш бўйича белгиланган маълумотларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўз вақтида тақдим этиш;

бошқа ер эгалари , ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва эгаларига етказилган зарарни белгиланган тартибда тўлаш;

ўз зиммасига тўғри келадиган кредиторлик қарз улушининг тузилган шартномада белгиланган муддатларда тўланишини таъминлаш;

кишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини (беш йил мобайнида ўртача ҳисобда) ернинг нормативдаги кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш;

Ижарачи «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган боша мажбуриятларга ҳам эга.

V. Ер участкаси ижара шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш

13. Ушбу Шартнома томонларнинг келишувига биноан, томонларнинг келишувига эришилмаган тақдирда суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

14. Ушбу Шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

фермер хўжалиги тугатилган тақдирда;

агар хўжалик фаолиятини давом эттиришни хоҳловчи бирорта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаса;

ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечилганда

ер участкаси ижарага берилган муддат тугаганда ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тиклаш имконияти бўлмаганда;

ердан белгиланган мақсадда, оқилона фойдаланилмаганда, нормативдаги кадастр баҳосидан мунтазам равишда (уч йил мобайнида) паст ҳосил олинганда;

ерларнинг экологик ҳолати ижарачининг айбига кўра ёмонлашганда;

ер участкаси белгиланган тартибда олиб қўйилганда;

ижара ҳақи мунтазам равишда белгиланган муддатларда тўланмаганда;

агар фермер хўжалиги ер участкасини олган вақтдан бошлаб бир йил мобайнида ишлаб чиқариш- хўжалик фаолиятига киришмаса;

фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бир неча марта ёки бир марта қўпол равишда бузилганда;

ушбу Шартнома шартлари бузилганда;

амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шартлар бўйича.

VI.Томонларнинг жавобгарлиги

15. Томонлардан бири ушбу Шартнома шартларини бажармаганда ёки қонунчиликни мунтазам равишда бузганда иккинчи томон ушбу Шартноманинг белгиланган тартибда бекор қилинишини талаб этиш ҳуқуқига эга.

16. Бартараф этилиши мумкин бўлган ҳар қандай бузилиш Шартноманинг бекор қилинишига сабаб бўлмайди.

17. Томонлардан бири Шартномани бекор қилиш истаги тўғрисида иккинчи томонни Шартноманинг бекор қилиниш сабабларини асослаган ҳолда уч ой олдин ёзма равишда хабардор қилади.

VII. Низоларни ҳал қилиш

18. Ушбу Шартномадан фойдаланиш жараёнида пайдо бўладиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

19. Ушбу Шартнома Ижарага берувчи томонидан муддатидан олдин бекор қилинганда Ижарачи Ижарага берувчининг қароридан норози бўлган тақдирда ушбу қарор юзасидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

VIII.Шартноманинг алоҳида шартлари

Шартноманинг алоҳида шартлари кўзда тутилмаган

20. Ушбу Шартнома уч нусхада тузилади, улардан биттаси туман ҳокимлигида, иккинчиси –фермер хўжалигида , учинчиси –туман ер ресурслари хизматида сақланади.

Томонларнинг юридик манзиллари:

Ижарага берувчи:

*Каттакўрғон тумани
хокимлиги*

Ижарачи:

*“Богбон” фермер
хўжалиги*

Томонларнинг имзолари:

Ижарага берувчи-

Каттакўрғон
тумани ҳокими

имзо ўрни

Ижарачи-

«Богбон»
фермер хўжалиги бошлиғи

имзо ўрни

« Боғбон» фермер хўжалиги ер участкаси чегаралари

ТАРХИ

Чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар

А дан Б гача _____

Б дан В гача _____

В дан Г гача _____

Миқёс 1:10 000

Ижарачи

Фермер хўжалиги рахбари

Т.П.Шавкатов

(имзо)

М.Ў

Туман ер ресурслари

хизмати рахбари

М.Ў

Ижарага берувчи

туман хокими

Ш.Каримов

(имзо)

М.Ў

И.Садиев

(исми, шарифи)

«Боғбон» фермер хўжалигига ажратилган ер майдонларини жойида
кўрсатиш

ДАЛОЛАТНОМАСИ

2013 йил «05»01

8- сонли

Қорадарё қишлоғи

(тузилган жой)

Мен, И.Садиев – туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими
бошлиғи

(далолатнома тузувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи, лавозими)

Каттақўрғон тумани ҳокимининг 2012 й. «26» 12 даги 82- сонли қарорига асосан «Қорадарё» массиви ҳудудида жойлашган «Боғбон» фермер хўжалигига ажратилган жами 88.0 гектар;

Шундан ер турлари бўйича:

Номи	Контур т/р	Майдони, га	Номи	Контур т/р	Майдони, га
Сувли ҳайдаладиган		12.2	Қурилиш билан банд ерлар		1.5
Лалми ҳайдаладиган		-	Бошқа ерлар		3.0
Боғлар		28.6	Мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар		-
Узумзорлар		32.7	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар		-
Тутзорлар		-			
Пичанзорлар		-			
Бўз ерлар		-			
Яйлов ерлар		-			
Томорка ерлар		-			
Ихота дарахтзорлар		-			
Сув остидаги ерлар		2.1			
Йўллар, уватлар		0.9			

Ер майдонларини жойида фермер хўжалиги бошлиғи
Т.П.Шавкатов иштирокида ўлчаб кўрсатдим. Ер майдонини ўлчаб
кўрсатишда қўшни чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар
вакилларидан _____

(иш жойи, лавозими, фамилияси, исми, отасининг
исми)

_____лар

иштирок этишди.

Фермер хўжалигига ажратилган ер майдони қуйидаги чегарадош ер
эгалари ва ердан фойдаланувчилар ва ер элементлари билан

чегараланади _____

Ажратилган ер майдонининг 4 томонига чегара белгилари қўйилди ва ушбу қўйилган белгиларни ўз ҳолатида сақлаш мажбурияти фермер хўжалиги раҳбарига юклатилади.

Ажратилган ер майдонини ўлчаб кўрсатди:

И.Садиев
(имзо, фамилияси И.Ш.)

Ажратилган ер майдонини қабул қилди:

Т.Шавкатов
(имзо, фамилияси И.Ш.)

Чегарадош ер эгалари ва
ердан фойдаланувчиларнинг
вакиллари:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____

2.4. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари

“Ҳаёт-фаолият хавфсизлиги” фани фан ва техника ривожланишининг мантикий асосида вужудга келади. Бизнинг эрамиздан олдин яшаган Пратагор “Инсон ҳамма нарсаларнинг мезонидир” деган шиорни олдинга ташлаган эди. Бу дегани, инсон нафақат ишчи кучи сифатида, балки меҳнат фаолияти жараёнида муҳофаза қилиниши зарур бўлган қийматга эгадир. Инсоний фаоллик турларининг ҳамма мажмуаси фаолият тушунчаси ҳосил қилади. Айнан фаолият инсонларни бошқа тирик мавжудодлардан ажратади, яъни фаолият ўзига хос хусусиятга эга бўлган фаолликнинг инсоний шаклидир.

Фаолият билан барча шуғулланади болалар, катталар, қариялар. Шунинг учун хавфсизлик ҳамма тирик инсонлар учун муҳимдир. Меҳнат муҳофазасининг ажралиши маълум асосга эга. Чунки, меҳнат фаолиятининг олий формасидир. Билим соҳада меҳнат муҳофазасини нисбатан мустақил деб тан олган ҳолда, фаолиятнинг ҳар хил турлари ва инсон яшайдиган соҳаларнинг бир-бирига яқин алоқада бўлишига эътибор бериш керак. Аниқ иш жойида бажарилаётган меҳнат фаолият натижалари (қаерда меҳнат шароити аъло бўлган ҳолда ҳам) бу иш жойи билан ҳеч қандай алоқада бўлмаган кўп сонли инсонларга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан ажралиб чиқаётган зарарли омиллар салбий таъсир қилиши мумкин. Иш жойларида меҳнат шароити бу жойларни (лойиҳалаш босқичида, ишлаб чиқариш воситаларини тайёрлашда ва ҳ.к.) физик жиҳатдан барпо қилишдан анча олдин қилинади. Меҳнат муҳофазасининг афзалликлари ва уни мутлоқлаштириш баъзан мантиққа мос келмайдиган қонунларни қабул қилишга олиб келади. Масалан, маълумки битта транспорт талофатида жабрланган ҳайдовчи ва йўловчилар учун белгиланган бахтсиз ҳодисаларни тешириш низоми бўйича ҳар хил ҳуқуқий ва моддий оқибатлар пайдо бўлади.

Дунёда инсонлар табиий, техник, антропогеник, экологик, қўшилма хавфлар остида яшайди. Бундай турдаги хавфлар бир-бирлари билан

биргаликда таъсир қилади ва оқибатларни чуқурлаштиради. Масалан, Арманистон ва Туркиадаги ер қимирлашлари. Венусуеладаги сув тошқини, Европадаги бўрон ва бошқалар. Бузилишлар, ёнғинлар ва талофатлар сони камаймади. Бунда ишлаб чиқаришдагига қараганда ҳисоблаб бўлмас даражада кўп одамлар ҳалок бўлади. Ўтган ўн йиллик инсониятга саноксиз офатларни олиб келди. Чамаси, якка шахс ва жамият фойдасини кўзлаб, идора ва касбий чегараланишларни бекор қилган ҳолда, хавфсизлик муаммоларини кенг қўйишга интилоқ керак. Бундай имкониятларни ва усулларини кўриб чиққан ҳолда ҳаёт-фаолият хавфсизлиги - бу ҳар қандай фаолиятга қўйилган хавфсизликнинг назарий ва амалий асосларидир. ҲФХ нинг алоҳда аҳамияти мутахассисларга билим беришдир.


Таркибий жиҳатдан ҲФХ фани тўрт қисмдан ташкил топган:

1. Назарий асослари.
2. Табиий жиҳатлари,
3. Ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги,
4. Фавқулодда вазиятлар.

Фаолият кишилиқ жамиятининг бор бўлиб туриши учун зарур бўлган шароитдир. Меҳнат фаолиятининг один шаклидир. Файласуфларнинг фикрича, инсонга берилган энг маъқул бўлган таъриф бу Ното асeнс, яъни ҳаракатләнувчи инсон. Фаолият ва меҳнатнинг шакллари хилма-хилдир. Улар турмушда, жамиятда, маданиятда, ишлаб чиқаришда, илмда ва бонқа ҳаёт соҳаларида кечадиган амалий, ақлий ва маънавий жараёнларни уз ичига олади. Фаолият жараёнининг моделини умумий ҳолда иккита элементдан ташкил топган деб қараш мумкин, яъни бир-бири билан туғри ва қайтма алоқада бўладиган инсон ва муҳит элементларидир. Меҳнат хавсизлиги бўйича ташкилий ва профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқариш ва жорий қилишни, унинг умумий комплексини бошқариш, меҳнат хавфсизлиги бўйича қоида ва меъёрларга риоя ҳамда назорат қилишни ва меҳнат қонунчилигини махсус хизмат органлари олиб боради. Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошида меҳнат муҳофазасига ва техника

хавфсизлиги гуруҳи иш олиб доради. Туманларда қишлоқ хўжалиги бошқармаларида меҳнат муҳофазасига ва техника хавфсизлигига катта муҳандислар, давлат корхоналари ва жамоа хўжаликларида техника хавсизлигига катта меҳнат муҳофазаси қонунига асосан давлат корхоналари ва жамоа хўжаликларида штат рўйхати бўйича техника хавсизлиги ва ёнғин хавсизлиги бўйича катта муҳандис лавозими тайинланади. Агар жўжаликда ишчилар сони 50 дан ортиқ бўлса ва улар хизмат кўрсатаётган транспорт воситалари 50 дан ортиқ бўлса, йўл ҳаракати хавсизлиги хизмати ташкил қилинади. Хўжаликларда штат асосида техника хавфсизлиги бўйича муҳандисни ишга олиш мумкин бўлмаса, у ҳолда техника хавфсизлиги ишларини ва улар кўрадиган чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси бош мутахассисларнинг бири зиммасига буйруқ билан юклатилади. Меҳнат хавсизлиги бўйича ишлаб чиқариш участкалари ва хўжаликдаги жавобгар шахсларни асосий иш йўналишлари берилган. Қуйдаги чизмадан меҳнатни муҳофаза қилишнинг асосий тўрт йўналиши баён этилган. Ҳар бир йўналишга қандай асосий масалалар киргани қуйидаги 4-расмда келтирилган:

1. Ташкилий ишларга: йўл-йўриқлар бериш, ишчиларни махсус кийимлар ва шахсий ҳимоялаш воситалари билан таъминлаш, ишлаб чиқариш участкаларини ва ёнғиндан хавфли жойларни бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминлаш, меҳнат хавфсизлиги бўйича режа ва тадбирларни ишлаб чиқиш, хавфсизлиги бўйича ишчиларни аттестациядан ўтказиш, участкалар ва хавфли иш турлари жойларида жавобгарликни тақсимланиши, техника хавфсизлиги бўйича хона ва бурчакларни ташкил қилиш, техника хавфсизлиги бўйича ёзув ва огоҳлантирувчи белгиларни осиб қўйиш, хўжаликдаги барча йўлларга йўл ҳаракати белгиларини ўрнатиш, меҳнат шароитларини паспортизация қилиш, бахтсиз ҳодисаларни текшириш, жароҳатланиш ва касалликлар сабабини таҳлил қилишлар киради.



4-расм. Хўжаликда жавобгар шахсларнинг асосий иш йўналишлари.

2. Иш шaroитларини яхшилашга: хоналарнинг иситилишини яхшилаш, намликни, ёритилганликни меъёрлаштириш, елвизакларни йўқотиш, хоналардаги зарarli газлар миқдорини камайтириш, чангишни олдини олиш, шовқин ва титрашларни камайтиришлар киради.

3. Техника хавфсизлигини такомиллаштиришга: тўсиқларни яхшилаш, ҳимояловчи воситалар, автоматик сигнализация ва блокировкаларни ўрнатиш, қозонхоналар ва юк кўтарадиган механизмлар синовини ва хужжатлаштиришни вақти-авқтида ўтказиш, электр қурилмаларни ерга улаш ҳолатини вақтида назорат қилиш: асбоб ва усқуналарнинг созлиги ва ҳолатини текшириш, машина ва механизмларнинг ишлашини кузатиш ва шахсий ҳимоя воситалари билан мустаҳкам таъминлаш киради.

4. Меҳнат хавфсизлиги ҳолатини назорат қилиш уч йўналиш бўйича олиб борилади:

а) бошқарма томонидан: давлат энергитика назорати инспекцияси, вилоят

ва туманлардаги қишлоқ хўжалиги бошқармаларидаги меҳнат хавфсизлиги бўйича муҳандислар; ёнғин бўйича инспектор ва санитария инспекцияси назорат қилинади;

б) касба уюшмаси томонидан: касба уюшмасининг меҳнат бўйича техник инспекцияси ва меҳнат хавфсизлиги бўйича касба уюшмасидаги комиссия назорат қилади;

в) маъмурият томонидан: техника хавфсизлиги бўйича муҳандис, бош мутахассислар, ишлаб чиқариш участкаси раҳбарлари ва участкаларда меҳнат хавфсизлиги бўйича жамоа инспекторлари назорат қилади.

Қишлоқ хўжалиги техникаси одатда хўжаликларнинг тиббий ташкилотлари (поликлиникалар, тиббиёт пункти, амбулатория) жойлашган марказий қисмидан анча узоқ жойларда ишлатилади. Шунинг учун механизатор ўзига-ўзи биринчи ёрдам курсатишни билиши керак. Хозирги тракторлар, мураккаб қишлоқ хўжалиги машиналари ва автомобилларни корхона маъмурияти дори-дармонлар тўплами бор тиббиёт аптекаси билан таъминлаши зарур. Аптекада қуйидагилар бўлиши лозим: ичимлик сода — 200 г, валидол — 30 таблетка, борат кислота — 60 г, лейкопластир — (1х15 см) — 5 дона, вазелин — 50 г, резина арқон — 1 дона, шахсий пакет — 10 дона, бинт — 10 дона, новшадил спирти — 20 г, пахта — 100 г, шиналар — комплект, йод эритмаси.

Аптекадаги тиббий препаратлар қуйидаги мақсадларда ишлатилади: ичимлик сода — кислота қуйдирганда (ишқор ва кислоталар билан ишлашда) кузни ювиш ва оғизни чайиш мақсадида ичимлик соданинг 2-4 % ли эритмасини тайёрлаш учун; валидол — асаб системасини тинчлантириш ва юрак атрофидаги оғриқни йуқотиш учун; борат кислотаси ишқор таъсирида қуйганда кузни ювиш ва оғизни чайиш мақсадида 2-4% ли эритмаси тайёрланади. Вазелин — 1 даражали қуйишда, тирналганда, тери яллиғланганда, тери-га суртиш учун; резина боғлам — кон кетишини тўхтатиш учун; шахсий пакетлар, бинтлар, пахта — лат еганда, яраланганда боғлаб қўйиш учун, новшадил спирти — хушдан кетганда хидлатиш учун;

йод настойкаси — яранинг атрофига, теридаги шилинган, тирнал-ган жойларга суртиш учун.

Жароҳатланганларга биринчи ёрдам кўрсатишнинг умумий қоидалари

Жароҳатланганларга биринчи ёрдам кўрсатишдан олдин қуйидаги ишларни бажариш лозим:

— жароҳатланиш сабабларини йўқотиш (масалан, жароҳатланувчини газлар, захарлар тулган хонадан олиб чиқиш); электр симини олиш (электр токи урганида; жароҳатланувчининг ахволини ёмонлаштирадиган барча нарсаларни йўқотиш (жароҳатланувчи устидаги юкни, девор парчаларини олиш, хонадан ёки ёнаётган жойдан олиб чиқиш);

— жароҳатланувчининг умумий ахволини аниклаш ва биринчи навбатда одам ҳаёти ва саломатлигига энг кўп хавф туғдираётган нарсани йўқотиш (масалан, артериялар кесилганида қон оқишини тухтатиш, нафас олиш тўхтаб қолган ва юрак фаолияти бу-зилган бўлса, сунъий нафас олдиришни ёки юракни уқалашни бошлаш ва ҳ.к.);

— агар беморга хавф туғилмайдиган бўлса, биринчи тиббий ёрдам кўрсатишда уни қўзғатмаслик;

— ҳушидан кетганда ташлаб кетмаслик;

— биринчи ёрдам кўрсатиш учун жароҳатланганнинг кийимини ечишда ёки яраланган жойидаги кийимини қирқишда жуда эҳтиёт бўлиш зарур;

— жароҳатланганни авайлаш.

Механизаторларда энг кўп учрайдиган жароҳатланишлар — лат ейиш, кесиб олиш, синиш, куйиш, захарланиш, электр токи уриши ва бошқалар.

Тананинг бирор жойи кесилганда ёки суяклари очик ҳолда синганда артериядан, венадан ва капиллярлардан қон оқиши мумкин. Артериядан оқадиган қон оч кизил рангли, кучли қон оқими босим остида бетухтов отилиб туради. Венадан оқадиган қон туқ рангли бўлади, ярадан отилиб чиқади, капиллярдан қон озроқ миқдорда секин чиқади. Артериядан қон оққанда, йирик артериялар жароҳатланганда тезликда ёрдам кўрсатиш зарур. Биринчи навбатда томирни бармоқдал билан каттик босиб, суякка сиқиш

керак. Қон оқишда артерияларни одам танасининг қайси еридан сиқиш лозимлиги кўрсатилган. Оёқ-қўллардан қон оққанда яхшиси резина боғлам ёки қўлда бор нарсалардан — тасма, газлама парчаси ёки бошқалардан бурама боғлам қўйган маъқул.

Боғлам қўйишда қуйидаги ишларни бажариш лозим:

- терига бир неча қават қилиб тахланган латта (дастрёмол) қўйиш;
- боғламни қон тўхтагунча тортиш;
- боғлам остига кун 24 соат деб ҳисоблаганда у қачон қуйилганлиги аниқ ёзилган (масалан, 05 соат 35 мин.) қоғоз қўйиш.

Вена ва капилляр қон оқишни тўхтатишда босиб турадиган боғлам қўйишнинг ўзи кифоя. Бу биринчи навбатда қишлоқ хўжалигида мураккаб ва қувватли техникаларни, ишлаб чиқариш жараёнлари иш тезликини ошиб бориши, интенсив технологияни татбиқ этилишини талаб этади. Шу билан бир қаторда янги кимёвий препаратларни ишлаб чиқаришга татбиқ этилишини, ишчи организмига рухий зуриқишнинг ошиб кетишини ҳисобга олади. Мухими ишлаб чиқаришдаги хавфли омиллардан инсонни ишончли химоялашда янги воситаларни ишлаб чиқдрилиш ва уларни ҳаётта татбиқ этиш керак булади. Илмий томондан асосланган меҳнат, дам олиш тартиби ва таъсирчанлик зуриқишларни камайтириш борасида чора-тадбирлар куриш, ишчиларни касбига қараб аниқ танлов утказиш, уларни касб буйича ўқитишни сифатли олиб боришга катта эътибор қаратиш шарт. Ишлаб чиқарилаётган техникаларнинг хавфсизлиги ва мустаҳкамлигини ошириш, уни санитария-гигиена ва эргономик кўрсаткичларини юқорига кутариш, машиналар ишлашини назорат қилиш ва автоматик бошқариш воситаларини ишлаб чиқиш муҳим босқич бўлиб ҳисобланади.

Айнан бу соҳада, яъни мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришда янги хавфсиз ва зарарсиз технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, инсонга ва табиатга тиклаб бўлмайдиган зарар етказувчи пестицидларни бошқа препаратлар билан алмаштириш, ишчиларни шахсий химояланиш воситалари билан таъминлаш, иссик овқат, тиббий ёрдам кўрсатишни янада

яхшилаш мақсад қилиб қўйилган. Қишлоқда меҳнаткашларнинг иш шароитларини яхшилаш ҳамда уларни меҳнат муҳофазаси соҳасида чуқур назарий ва амалий билим, тажрибага эга бўлишларини ҳар томонлама назорат қилиш даркор.

Хавфсиз меҳнат стандартлар (МХСТ) асосан меъёрлаштирилган меҳнат шароитларини яратиб бериш корхоналарни лойиҳалаш, уларни жойлаштириш ва территорияни танлаш, шунингдек, унда ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ва иншоотларни оқилона жойлаштиришдан бошланади. Бу ишларнинг ҳаммаси ҳайвонот оламини ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қонунларга асосланган ҳолда олиб борилади. Корхоналарни жойлаштириш ва унинг территориясини лойиҳалаш талаблари қуйидаги қурилиш меъёрлари ва қоидаларига СМ ва Қ 11-97-76, СМ ва Қ 11-89-90, СМ 245-71 да ўз аксини топган. Шуларга асосланган ҳолда корхоналар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларга жойлаштирилади. Ер рельефи табиий шамолланишни таъминлаши керак. Корхоналарни сув ҳавза манбалари яқинига, органик ва бошқа ифлослантирувчи моддалар ва сув босиши хавфи бор жойларга жойлаштириш қатъий ман этилади. Чикинди сувларни оқизиш ва тозалаш иншоотлари, шунингдек ветирнария бинолари ишлаб чиқариш дорياسининг паст қисмида қурилади.

Ишлаб чиқариш қуввати ва чиқадиган чикиндиларнинг хусусияти санитария-ҳимояланиш доирасининг ўлчамини аниқлаб беради. Санитария меъёрларига (245-71) асосан ҳар хил санитария-ҳимояланиш доиралари бўйича ишлаб чиқаришнинг 5 туркуми назарда тутилган:

1-1000 м (паррандачилик фабрикалари, 500 т ва ундан ортиқ пестицидлар ҳажмига эга бўлган омборлар);

2-500 м (чўчқачилик фермалари, 100-300 т гача ҳажмдаги пестицидлар омборхонаси),

3-300 м (қорамол, қўй, парранда фермалари ва 20 т дан 100 т гача сиғимга эга бўлган пестицидлар учун омборхоналар);

4-100 м (от қуёнчилиқ фермалари, гараж, таъмирлаш, техник хизмат

кўрсатиш ва автомобилларни сақлаш, двегателлни сони 200 дан ортиқ бўлган қишлоқ хўжалиги техникалари парки, парник ва иссиқхоналар);

5-50 м (сабзавот, мева, картошка, дон омборлари, шахсий фойдаланиш учун молхона ва товукхона қурилмалари).

Электр, сув ёки буғ билан иситиладиган парник ва иссиқхоналар учун, мева ва сабзавотлар бирламчи ва қайта ишлов берадиган цех ва хўжаликлар учун санитария-ҳимояланиш доиралари меъёрлаштирилмаган. Бинолар орасидаги бўлинишларнинг ўлчамлари энг баланд бинони баландлигидан кам бўлмаслиги керак. Чанглантирувчи маҳсулотлар сақланадиган очиқ омборлар маиший хоналардан 25 м ва ишлаб чиқариш ҳамда ёрдамчи бинолардан 50 м дан кам бўлмаган масофада жойлашган бўлиши шарт. Крохона территорияси текисланган бўлиши, сунъий ёритиш, транспорт, йўлларини юқори қатлами қаттиқ қопламали, чиқинди сувлар оқизиладиган қувирлар, ўтадиган ва юрадиган йўллар бўлиши керак. Территория кўкаламзорлаштирилади, ишлаб чиқариш чиқиндиларини йиғиш ва сақлаш учун жойлар ажратилади.

3-БОВ. Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш

3.1. Фермер хўжаликларида етиштириладиган маҳсулотлар миқдори ва қийматини аниқлаш

Массив ҳудудидаги фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш натижасида олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг умумий қиймати маҳсулотлар миқдорини уларнинг харид нархларига кўпайтириш орқали аниқланади. Ҳисоб китоблар натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган.

Дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг харид нархлари бўйича қиймати

Т. р	Маҳсулот номи	Микдори тонна	1 тонна маҳсулот нархи, минг сўм	Умумий қиймати Минг сўм
1	Пахта	1903	900	1712700
2	Бугдон дони	2086	300	625800
3	Сабзавот	2039	500	1019500
4	Пичан	1966	100	196600
5	Маккажўхори дони	53	500	26500
6	Силос	234	50	11700
7	Мева	768	500	384000
8	узум	1500	500	750000
Дехқончилик бўйича жами				4726800
9	Гўшт	40	12000	480000
10	Сут	557	1000	557000
11	Пилла	10.0	5000	50000
Чорвачилик бўйича жами				1087000
Массив бўйича ҳаммаси				5813800

15-жадвал маълумотлари бўйича хўжаликда етиштириладиган қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларининг умумий қиймати 5813800 минг сўмни ташкил қилди.

3.2. Фермер хўжаликлари ер майдонини оптималлаштириш билан боғлиқ капитал ва йиллик харажатлар микдорини аниқлаш

Массив ҳудудидаги фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш билан боғлиқ лойиҳани амалга оширишда капитал ва йиллик харажатлар сарфланади. Капитал харажатларга ирригация ва мелиорация ва йўл тармоқларини қуриш, ихота дарахтларини барпо қилиш билан боғлиқ харажатлар киради.

Капитал харажатларни ҳисоблаш бўйича олинган натижалар 16- жадвалда келтирилган.

Капитал харажатлар хажми

Т.р	Харажат турлари	Ўлчов бирлиги	миқдори	Ўлчов бирлиги қиймати минг сўм	Умумий қиймати минг сўм
1	Янги ерларни ўзлаштириш	га	70	4302	301140
2	Суғориш тармоқларини қайта таъмирлаш	км	5.5	200	1100
3	Дала йўлларини қуриш	км	4.6	500	2300
4	Гидротехник иншоотларни қуриш				
	-кувурлар	дона	5	50	250
	-сув айирғич	дона	4	125	500
5	Мева ва узумларни қайта				
6	ишлаш цехини қуриш	дона	2	50000	100000
7	Йўл ва ариқлар бўйига				
	ихота дарахтларини барпо қилиш	га	2.5	700	1750
8	Зовурларни тозалаш	км	15.0	1000	15000
9	Бошқа харажатлар	20%			84408
	жами				506448

16-жадвал маълумотларига кўра фермер хўжаликларини оптималлаштириш лойиҳасини амалга ошириш 506448 минг сўмни ташкил этади.

3.3.Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш

Соф даромад етиштирилган ялпи маҳсулот қиймати билан уни етиштириш учун сарфланадиган харажатлар айирмаси орқали қуйидаги ифода орқали аниқланади.

$$СД=ЯМК-Х$$

Бу ерда: ЯМК – ялпи маҳсулот қиймати, минг сўм;

Х-харажатлар (бу кўрсаткич технологик харажатлар ёрдамида аниқланади)

бизнинг мисолимизда ЯМК қийматидан 72 % олинган, минг сўм.

$$СД=5813800- 4185936=1627864 \text{ минг сўм}$$

Ишлаб чиқариш самарадорлиги соф даромад қийматини уни ҳосил қилиш учун сарфланган харажатларга нисбати орқали фоизларда аниқланади.

$$P = \text{CD} \times 100 / X = 1627864 \times 100 : 4185936 = 39.0 \%$$

Капитал харажатларни қопланиш муддати келажакда лойиҳани амалга ошириш учун тадбирларга сарфланиши кўзда тутилаётган капитал харажатлар миқдорини қўшимча олинаётган соф даромад қийматига бўлиш орқали аниқланади. Қўшимча соф даромад лойиҳавий соф даромаднинг ер тузиш йилидаги соф даромадни айирмаси билан топилади.

$$T = K / \Delta \text{CD}$$

$$\Delta \text{CD} = \text{CD}_{\text{лоийха}} - \text{CD}_{\text{ер тузиш}} = 1627864 - 1022433 = 605431 \text{ минг сум}$$

Бу ерда: T- капитал харажатларнинг қопланиш муддати, йил;

K-капитал харажатлар

ΔCD – соф даромаднинг ўсиши.

$$T = 506448 : 605431 = 1 \text{ йил}$$

Лойиҳа учун қилинган капитал харажатлар ўтиш давридан сўнг 1 йил мобайнида қопланади.

17-жадвал

Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари

Т.р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	миқдори		Фарқи + -
			Ер тузиш йилида	Лойиҳа бўйича	
1	Фермер хўжаликлари сони	дона	14	7	-7
2	Ялпи маҳсулот қиймати Шу жумладан: Дехқончиликда чорвачиликд	минг сўм минг сўм минг сўм	4868730 3878630 990100	5813800 4726800 1087000	945070 848170 96900
3	Ишлаб чиқариш харажатлари	%	79	72	-7
4	Соф даромад	минг сўм	1022433	1627864	605431
5	Рентабеллик даражаси	%	26.6	39.0	12.4
6	Капитал харажатлар	минг сўм	-	506448	-
7	Капитал харажатлар қопланиш муддати (ўтиш давридан сўнг)	йил	-	1	-

ХУЛОСА

Бажарилган битирув малакавий ишида Самарқанд вилояти Каттакўрғон туманидаги “Қорадарё” массивида амалда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини оптималлаштириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқдик. Битирув малакавий иши топшириғида қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун биринчи навбатда республика ҳукуматининг шу масалага тегишли бўлган қарорлари ҳамда тегишли меърий ҳужжатларни, массивга оид бўлган маълумотларни ўрганиб чиқиш учун қуйидаги тартибда ишлар бажарилди:

- Массивга оид умумий маълумотлар ўрганилди;
- Массив жойлашган ҳудуднинг табиий шароитлари (иқлими, релъефи, тупроқ шароитлари) ўрганилди;
- Массив ҳудудида жойлашган ер турлари майдони ва унинг ер турлари бўйича таркиби, ер ресурсларидан фойдаланиш тавсифи ўрганилди;
- Массивда мавжуд бўлган аҳоли яшаш жойлари тизими ўрганилди ;
- Мавжуд фермер хўжаликлари сони, уларнинг ишлаб чиқариш йўналишлари, уларнинг ҳудудда жойлашуви, уларда етиштириладиган маҳсулотларнинг миқдори, умумий қиймати, ишлаб чиқаришнинг самарадорлик кўрсаткичи ва бошқа маълумотлар ўрганиб чиқилди.

Бажарилган таҳлиллар асосида фермер хўжаликларининг ер майдонларини оптималлаштириш бўйича ер тузиш лойиҳаси ишлаб чиқилди ва фермер хўжаликларига янгитдан ер участкалари бириктирилди. Бунда мавжуд 14 та фермер хўжалиги ўрнига ҳудуддаги аҳоли яшаш тизими, суғориш, зах қочириш ва йўл тармоқларининг жойлашуви ва фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш йўналишларини ҳисобга олган ҳолда 7 та фермер хўжалиги ташкил қилинди. Оптималлаштириш лойиҳасини амалга ошириш учун режалаштирилган тадбирларга 506448 минг сўмлик капитал харажатларни сарфлаш кўзда тутилади. Лойиҳанинг ўтиш даври тугаб лойиҳа тўлиқ амалга ошганда фермер хўжаликларида етиштириладиган ялпи маҳсулот қиймати 945070 минг сўмга, соф даромад 605431 минг сўмга,

самарадорлик кўрсатгичи эса 12.4 % га ўсиши кутилади. Лойихани амалга ошириш учун сарфланадиган харажатлар утиш даври билан бирга йилда қопланиши режалаштирилди..

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси” Т.: Ўзбекистон, 1992
2. И.А.Каримов, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, Т.: Ўзбекистон, 1995
3. И.А.Каримов, “Ўзбекистон XXI бўсағасида”, Т. Ўзбекистон 1997
4. И.А.Каримов, “Ўзбекистон буюк келажак сари”, Т. Узбекистон, 1998
5. И.А.Каримов, “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози,Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”, Т. Ўзбекистон, 2008
6. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”. Т.: Ўзбекистон, 1998
7. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами (I ва II қисмлар), Т.: Шарқ, 1998
8. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Давлат ер кадастри тўғрисида». Т:1998
9. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Фермер хўжалиги тўғрисида»Янги тахрир. Т.: Ўзбекистон,2004
10. Аvezбаев С., Волков С.Н. «Ер тузишни лойиҳалаш» Т.: Янги аср авлоди, 2004
11. Аvezбаев С., Волков С.Н. «Ер тузиш иқтисоди». Т.: Янги аср авлоди, 2002
12. Аvezбоев С., Волков С.Н. « Ер тузишнинг илмий асослари» Т Янги аср авлоди, 2002
13. Бобожонов А.Р., Рахмонов Қ.Р., Ғофиров А.Ж. Ер кадастри. Дарслик. Т.: ТИМИ,2008
14. Бобожонов Р.Д.Хаёт фаолияти хавфсизлигининг назарий асослари. Ўқув қўлланма. Т.:ТИМИ, 2005
15. Рустамбоев М.Ҳ. ва бошқ. Ер ҳуқуқи. Дарслик – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002
16. Қудратов О., Ғаниев Т. Фавқулудда вазиятларда фуқоро муҳофазаси. Т.:Янги аср авлоди, 2005

17. Ғойипов Ҳ.Э. Мехнат муҳофазаси. Т.:Мехнат, 2000
18. Шодмонова Г., Абдуллаев З. Ер тузишда иқтисодий математик моделлар ва усуллар. Ўқув қўлланма. Т.: ТИМИ, 2007
19. Юнусов М.Ю., Икромов Э.Ж. Ғуқоро муҳофазаси доимий зарурият. Ўқув қўлланма. Т.: 2002
20. www.prom.kz Землеустроительное проектирование и организация землеустроительных работ.
21. www.18.rosfirm.ru Управления земельных ресурсов и землеустройства.
22. www.kadastr.ru Управление мониторинга земель, землеустройства и территориального планирования.
23. www.baseref.ru Управление использованием земель сельскохозяйственного назначения в условиях.